

3. Қурбонов

**Гипотактик қурилма
шаклланишининг когнитив –
прагматик хусусиятлари (тўсиқсиз
маъноли гипотаксис материали
асосида)**

Илмий рисола

2016

УДК 494.3

ББК 81.2Уз

Қ80

**З.Қурбонов. Гипотактик қурилма шаклланишининг когнитив –
прагматик хусусиятлари (тўсиқсиз маъноли гипотаксис материали
асосида). Илмий рисола.**

Рисола ҳозирги ўзбек тили деривацион синтаксиси муаммолари тадқиқига бағишланган бўлиб, унда гипотактик қурилмаларнинг ўрганилиш ҳолати таҳлил қилинади ва етакчи олимларнинг фикр-мулоҳазалари ўрганилади. Шунингдек, рисолада гипотаксиснинг тўсиқсиз маъноли тури орқали когнитив – прагматик хусусиятлари талқини ҳақида ҳам маълумотлар берилади. Энг муҳими, рисоладагипотактик қурилма микроматн мақомида тадқиқ қилинади. Рисолада предикативлик ва устпредикативлик ҳодисалари ҳақида ҳам батафсил маълумотлар келтирилган.

Рисола Самарқанд давлат чет тиллар институти назарий тилишунослик ва шарқ тиллари кафедрасида “ Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари ” мавзусида олиб борилаётган фундаментал тадқиқот доирасида бажарилди.

Ишдан тадқиқотчилар, олий ўқув юртларининг филология йўналиши талабалари ҳамда магистрлар фойдаланишлари мумкин.

Масъул муҳаррир:

ф.ф.д. проф. Н.Қ. Турниёзов

Тақризчилар:

ф.ф.н. доц. Т.И.Қурбонов

ф.ф.н. доц. А. Туробов

Сўз боши

Равшанки, фандаги янгиликлар ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. Шу боис унинг вужудга келиши учун бирор асос бўлмоғи лозим ва бу таянч вазифасини бажаради. Структур тилшуносликнинг шаклланишида ана шу тамойил муҳим рол ўйнайди. Бошқача қилиб айтганда, унинг асосини анъанавий тилшунослик ташкил қилади.

Фан-техниканинг тараққиёти тилшунослик фанида ҳам математик методларнинг қўлланилишига катта эҳтиёж туғдирди. Айниқса, фактик тил материали таҳлиliga систем-структур нуқтаи назаридан ёндашилаётган бугунги даврда унга бўлган эҳтиёж ва эътибор янада ортди. Рус ва ғарб тилшунослари бу соҳада салмоқли тадқиқот ишларини олиб борганлигини биламиз, лекин бугунги кунда ўзбек тилшунослигида ҳам структур тилшунослик муаммолари тадқиқига бағишланган айрим тадқиқот ишлари вужудга кела бошлади. Мисол учун А.Нурмонов, Ҳ.Неъматов, Р.Сайфуллаева, Н.Турниёзов, М.Қурбонова, Ғ.Яхшибоев.

Б.Турниёзов, Х.Хайруллаев, Ш.Турниёзова каби тилшуносларнинг бу соҳада олиб борган тадқиқот ишларини кўриш мумкин. Синтактик муаммолар тадқиқи ҳар доим тилшунослик фанининг энг долзарб масалаларидан бири бўлиб келди ва бугунги кунда ҳам шундай бўлиб қолмоқда. Бунинг асосий боиси шундаки, синтактик қурилмалар, катта ёки кичиклигидан қатъи назар, тил системаси бирликларининг нутқда қўлланиши объектларини тақозо этади. Бу жуда муҳимдир, зеро, тилнинг амалда қўлланилиши унинг бош вазифаси – коммуникатив функция бажариши билан боғлиқдир.

Мазкур ишнинг асосий мақсади синтактик деривация ҳодисаси ва у билан узвий алоқадор масалаларнинг илмий талқинини беришдан иборат

бўлгани учун, унда дериватология фани ва унинг шаклланиши тарихи хусусида, шундан сўнг эса мураккаб синтактик қурилма ва микроматн деривацияси ҳақида маълумот берилмоқда.

БИРИНЧИ БОБ

Гипотактик синтактик қурилмалар ва уларнинг

ўрганилиш ҳолати

Синтактик муаммолар тадқиқи ҳар доим тилшунослик фанининг энг долзарб масалаларидан бири бўлиб келди ва бугунги кунда ҳам шундай бўлиб қолмоқда. Бунинг асосий боиси шундаки, синтактик қурилмалар, катта ёки кичиклигидан қатъи назар, тил системаси бирликларининг нутқда қўлланиши объектларини тақозо этади. Бу жудамухимдир, зеро, тилнинг амалда қўлланилиши унинг бош вазифаси – коммуникатив функция бажариши билан боғлиқдир.

Равшанки, тил мураккаб системани тақозо этади ва унинг ҳар бир бирлиги ўзининг лингвистик табиати ҳамда унга беркитилган вазифасига кўра бошқаларидан фарқ қилади. Шу боис ҳар бир тил бирлигига тааллуқли бўлган сатҳ автоном мақомга эгадир. Аммо буни нисбий тушунмоқ даркор, чунки тил бирликлари ва улар тегишли бўлган сатҳларнинг амалда воқелиги уларнинг ўзаро муносабати доирасида рўй беради. Бўшлиқда амал қилувчи тил бирлиги ва унинг сатҳини тасаввур этиб бўлмайди. Шундай бўлгач, тил бирликларининг кичиги каттасининг шаклланиши учун қанчалик зарур бўлса, ўз навбатида, каттаси ҳам кичигининг амалда қўлланилиши, фаоллик олиши учун шунчалик зарурдир.

Тилнинг энг кичик бирлиги фонеманинг синтагматик фаоллик олиши морфема ёхуд сўз билан бевосита боғлиқ бўлса, морфеманинг лингвистик мақоми реаллашуви сўз билан узвий боғлиқдир. Аммо сўзнинг лингвистик табиати улардан кескин фарқ қилади. Буни қуйидагиларда кузатамиз:

а) сўзтилнигибирўлчамлибирлиги
(яънифақатифодаловчижиҳатигаэгабўлган)
фонемаҳамдаиккиўлчамлибирлигиморфемаучунқўлланишобъектисаналади;

б) сўзморфемавафонемаданфарқлиравишда,
номинативбирликнитақозозтади;

в)
фонемаваморфеманингсинтагматикфаолликолишинитилсистемасиичидаҳамк
узатишмумкин. Аммо сўзнинг синтагматик фаоллиги нутқда (бундан тилда
тайёр ҳолда мавжуд турғун бирикмалар ҳамда фраземалар мустасно) ўз
ифодасини топади. Бошқача айтганда, сўзнинг синтагматик фаоллиги нутқ
бирлиги - гап сатҳида рўёбга чиқади;

г) сўзсатҳидатилбирликларинингиерархикмуносабати,
унингамалдақўлланишижараёнидаэсанутқбирлиги -
гапсатҳидагипоғоналимуносабатвужудгакелади;

д)
сўзтилнигикоммуникативжараёнинишакллантирувчиасосийбирлигиҳисоблан
ади. Аммо айни пайтда шуни ҳам айтиш лозимки, мазкур мулоҳазаларимизни
ҳам нисбий тушунамиз, чунки сўзни шакллантирувчи асосий бирликлар
фонема ва морфемадир. Уларнинг иштирокисиз сўз шаклланмайди, албатта.

Кўринадики, тил бирликларининг амалда қўлланилиши бир-бирлари
билан узвий боғлиқдир. Аммо бу ўринда сўзнинг лингвистик мақоми
ўзгачадир, зотан, у тил ва нутқ бирликларининг ўзаро боғланишини ташкил
этувчи асосий восита саналади ва бир пайтнинг ўзида тилнинг нутққа
кўчирилишини таъминловчи муҳим омил ҳам ҳисобланади. Шу боис Ф.де
Соссюр сўзни тил механизмининг марказий унсури деб атаганида мутлақо
ҳақли эди¹.

¹. Қаранг: Соссюр Ф.де. Труды по языкознанию. -М.,1977.-С.143

Айни пайтда сўз тавсифига алоҳида эътибор қаратаётганимизнинг асосий сабаби шундаки, сўз нафақат синтактик шаклланишида, балки гапдан катта синтактик бирликларнинг деривацион хусусиятларини ёритиб беришда ҳам муҳим рол ўйнайди. Бундан ташқари, муайян нутқ шароитида гипотактик қурилмаларнинг тобе компонентлари бир сўздан иборат бўлиши ҳам мумкин.

Шуни ҳам айтиш керакки, тилшунослик фани тараққиётининг ҳозирги даврида нутқ лингвистикаси ҳам тўлиқ илмий асосланди. Бу эса, ўз навбатида, унинг бирликларини белгилашни ва бу билан боғлиқ талай масалаларга аниқлик киритишни тақозо этади. Тилшунослик адабиётларида гапнинг нутқ бирлиги мақомида эканлиги ҳақида айтилган фикрлар мавжуд.

Хусусан, таниқли тилшунослар Ф.де Соссюр, Ф.Смирницкий, Э.Бенвенист ва бошқаларнинг бу ҳақда билдирган мулоҳазалари ўринлидир². Бундан ташқари, мураккаб синтактик қурилмалар ҳамда абзацнинг ҳам нутқ бирлиги эканлиги далилланмоқда³.

Нутқ лингвистикасининг илмий асосланиши тадқиқотларимиз кун тартибига матн лингвистикаси муаммоларини ҳам киритди. Бунинг натижасида, албатта, синтаксиснинг текширув объектлари ҳудуди янада кенгайтирилди ва ҳозиргача қониқарли ҳисобланиб келган, кўникмага айланиб қолган кўпгина масалалар талқинига янгича ёндашиш лозимлиги долзарб бўлиб қолди. Буни фанимиз тараққиётининг ҳозирги даврида синтаксиснинг иккига — кичик ва катта синтаксисга бўлинишида, сўз бирикмаси муаммосига янгича ёндашилаётганида, гапнинг лингвистик

²Қаранг: Соссюр Ф.де. Ўша асар, 138-бет; Смирницкий А.И. Лексикология английского языка. —М., 1956. —С.228; Бенвенист Э. Общая лингвистика. —М., 1974. —С.140.

³Қаранг: Фридман А.Г. Грамматические проблемы лингвистики текста. —Ростов н/Д, 1984. —С. 30-32; Турниёзов Н. Тил ва нутқ бирликлари ҳақида баъзи мулоҳазалар// Хорижий филология, 2006, N.,1; Хайруллаев Х. Нутқ бирликларининг поғонали муносабати. — Самарқанд, 2008, 3-18-бетлар.

мақомига ўзгаришлар киритилишида, қўшма гапларнинг микроматн мақомида ўрганилишида кўришимиз мумкин.

Анъанага кўра қўшма гап деб аталиб келинаётган синтактик қурилмаларнинг қурилиш материали гап ҳисобланади. Бошқача айтганда, унинг сатҳида нутқ бирлиги – гап синтактик фаоллик олади, чунки қўшма гап унинг амалда қўлланиши учун синтактик объект саналади. Ана шу жиҳатига кўра қўшма гап содда гаплардан фарқланади. Кўриб ўтганимиз сингари, содда гап тил бирликларининг (фонема, морфема, сўз) реал қўлланилиши учун объект вазифасини бажаради. Э.Бенвенист тўғри таърифлагани сингари, гап ҳаракатдаги тилнинг ҳаётидир. Гап орқали тил белгилари системаси ҳақида эмас, балки мулоқот воситаси хусусида тасаввурга эга бўламиз. Мулоқотни шакллантирувчи омил эса нутқдир. Гап, албатта, сўз воситасида воқеланади. Бироқ гап нутқ бирлиги, сўз эса тил бирлигидир⁴. Бу жиҳатдан гапни тил ва нутқ бирликларининг ўзаро кесишиш нуқтаси тарзида тавсифлаш мумкин.

Бу ўринда шуни ҳам айтиш лозимки, Э.Бенвенист гапни шакллантирувчи асосий воситалар сўз ва сўз бирикмалари эканлигини таъкидлайди⁵. Аммо, бизнингча, олимнинг бу фикри, изоҳталаб кўринади. Гапнинг қурилиш материали, асосан, сўз саналади, сўз бирикмаларини бу мақомда кўриб бўлмайди. Чунки сўз бирикмаларининг ўзи ҳам сўзлардан ташкил топади ва бундан ташқари, улар гап шаклланиши жараёнида у билан бир пайтнинг ўзида вужудга келади. Шундай бўлгач, сўз бирикмасини гапнинг қурилиш материали сифатида талқин этиш қийин. Н.Турниёзовнинг тўғри таъкидлашига кўра, сўз бирикмаси гапнинг қурилиш материали бўла олмайди. Чунки у нутқда гап билан бир пайтнинг ўзида вужудга келади. Бу, албатта, сўз бирикмаси гапнинг қурилиш материали бўлиши ҳақидаги амалдаги хулосанинг ассосиз эканлигини кўрсатади⁶. Бундай мулоҳаза

⁴Қаранг: Э.Бенвенист. Кўрсатилган асар, 133-139-бетлар.

⁵Қаранг: Э.Бенвенист. Ўша асар, 134-бет.

⁶Қаранг: Турниёзов Н. Сўз бирикмаси ва гап бўлаклари ҳақида баъзи мулоҳазалар // Роман –герман тилшунослигининг долзарб муаммолари. – Тошкент, 2009, 15-бет.

Х.Хайруллаевнинг тадқиқотларида ҳам кузатилади: «... сўз бирикмаси нутқда мустақил қурилма сифатида эмас, балки гап (жумла) доирасида шаклланади. Шундай бўлгач, бирикма компонентлари гапнинг бошқа компонентлари билан узвий муносабатда бўлади ва улар гап бўлаклари мавқеини эгаллайди. Бошқача айтганда, улар гапда алоҳида сўз бирикмасини ташкил этувчи унсурлар тарзида эмас, балки умумий синтактик қўлланишига кўра ўрганилади»⁷. Бундай мулоҳазалар кейинги пайтларда рустилшунослигида ҳам айtilмоқда. Фикр далилини проф. М.В.Всеголованинг тадқиқот ишларида кўриш мумкин. Олимаакад.В.В.Виноградовнинг сўз бирикмаси ҳақидаги назариясига танқидий ёндашиб, сўз бирикмасининг гапдаги ҳолатини ўрганиш лозимлигини алоҳида таъкидлайди. Бундан ташқари, мазкур синтактик қурилма компонентлари ўртасида предикатив боғланиш ҳам кузатилишини қайд этади⁸. Бироқ юқоридагилар билан бир қаторда шуни ҳам таъкидлаш керакки, сўз бирикмаси лингвистик мақомини инкор этиб бўлмайди. Хусусан, сўз бирикмасининг нутқдан ташқаридаги ҳолати эътиборга моликдир. Уларни кичик синтаксиснинг текширув объекти тарзида ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир. Айниқса, сўз бирикмаси компонентлари ўртасидаги тобе боғланиш масаласи диққатга сазовордир. Бунда эргаш гапли қўшма гаплар синтактик шаклланишибилан изоморфизм мавжудлигини кўрамыз. Чунки сўз бирикмасида бўлгани каби эргаш гапли қўшма гапларда ҳам **ҳоким** ва **тобе** тушунчалари муҳим аҳамиятқасб этади. Анъанавий тилшунослик адабиётларида эргаш гапли қўшма гапларнинг семантик структуралари мақомини белгилаш айнан ана шу тушунчаларга асосланади.

Проф. А.Г.Рудневнинг қайд этишига кўра, қадимги грамматик материалларда, масалан, грек ва латин тиллари грамматикаларида гап назариясининг ўзи бўлмаган. Мазкур назария, яъни гап ҳақидаги маълумот,

⁷Қаранг: Хайруллаев Х. Нутқ бирликларининг поғонали муносабати. –Самарқанд, 8-бет.

⁸Қаранг: Всеволодова М.Б. Словосочетание как объект функционально – коммуникативной грамматики (к постановке проблемы)// Материалы Международного конгресса «Русский язык: исторические судьбы и современность» -М., 2001.

асосан, XIX аср лингвистикаси адабиётларида кўзга ташланади. Ана шу даврга келиб **паратактик** ҳамда **гипотактик** (**паратахис** -тенг компонентли кўшма гап, **хипотакхис** -тобе компонентли кўшма гап) синтактик қурилма тушунчалари ҳам истеъмолга киритилди ва шу билан бирга, гипотаксис паратаксис асосида вужудга келганлиги ҳақида назария шаклланди⁹.

Бу даврда паратактик ва гипотактик қурилмалар ҳақида дастлабки маълумотлар вужудга келди. Фикр далилини Паул ва Бернгардларнинг тадқиқот ишларида кўриш мумкин. Паратаксис тушунчасини Паул қуйидагича изоҳлайди: “Паратаксис деганда, муайян бир гап иккинчи гапни изоҳлашини эмас, балки ҳар икки гап ҳам бир-бирини изоҳлашини тушунмоқ керак.”¹⁰ **Гипотаксис** ҳақида эса Бернгарднинг фикри қуйидагича эди: “Содда гапнинг кўшма гапга муносабати сўзнинг содда гапга муносабати қандай бўлса шундайдир”¹¹.

Назаримизда, бугунги тилшуносликда ҳам паратактик ва гипотактик қурилмаларнинг лингвистик табиати ҳақида айтилган мазкур мулоҳазалар жиддий ўзгартирилгани йўқ. Зотан, паратактик, яъни боғланган кўшма гапларнинг таркибий қисмларини ташкил этувчи содда гаплар бир-бирини изоҳлаши ва шу билан бирга нисбий мустақил эканлигини ҳозир ҳам қайд этмоқдамиз. Гипотактик қурилмалар, яъни эргаш гапли кўшма гапларнинг таркибий қисмлари мақомида содда гаплар келиши ва улар кўшма гап билан ўзига хос қонуниятлар доирасида боғланиши ҳам тадқиқотларимиз кун тартибининг асосий масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Бироқ бу билан кўшма гаплар, шу жумладан, эргаш гапли кўшма гапларни мукамал ўрганиш борасида тилшунослигимизда амалга оширилган тадқиқот ишларини ва бу соҳада эришилган ютуқларни заррача бўлсада, инкор этмоқчи эмасмиз. Дарҳақиқат, бу соҳада улкан ютуқлар қўлга киритилди. Улар жумласига кўшма гапларнинг тилшунослик фани тараққиётининг шу

⁹Бу ҳақда қаранг: Руднев А.Г. Синтаксис современного русского языка.-М., 1968.-С.223.

¹⁰Бу ҳақда қаранг: Руднев А.Г Кўрсатилган асар,223-бет.

¹¹Bernhardi A.F. Anfongagründe der Shprachwissen schaft.-Berlin, 1805.

даври учун характерли бўлган илмий асосли таснифини, боғланган, боғловчисиз ҳамда эргаш гапли қўшма гаплар компонентларининг ўзаро тенглик ёхуд тобелик асосидаги муносабатини, қўшма гапларнинг формал-**структур** ҳамда семантик талқинини, мазкур синтактик қурилмаларнинг шаклланишида боғловчи воситаларнинг вазифалари, қўшма гапларнинг предикативлик ҳодисасига муносабати ва бошқа қўплаб масалалар тадқиқини киритиш мумкин. Бундай ютуқлар умумий тилшунослик доирасида ҳам, шу жумладан, ўзбек тилшунослигида ҳам кузатилади.

Ўзбек тилшунослигида қўшма гапларнинг илмий ўрганилиши жараёнида асосий эътибор уларнинг ташқи ва ички хусусиятларини белгилашга, синтактик шаклланиши ва бунда турли боғловчи воситаларнинг қўлланилиши, компонентларининг лингвистик табиатини ўрганишга қаратилди. Акад. Ғ.Абдурахмоновнинг қўшма гапларни тадқиқ этишда уларнинг ташқи ва ички жиҳатларига эътибор қаратганини ижобий баҳолаймиз. Олим бу ҳақда қуйидагиларни таъкидлайди: “Қўшма гап ўзининг ташқи (грамматик) ва ички (мазмун) хусусияти билан алоҳида бир бутунликни ташкил этади. Ташқи томондан қўшма гап бирдан ортик гапларнинг турли воситалар ёрдами билан бирикиб, яхлит бир конструкцияни ҳосил қилиши билан, ички томондан эса, яхлит бир фикрни ифодалаши билан характерланади”¹².

Равшанки, ҳозиргача қўшма гап, шу жумладан, гипотактик қурилмаларни ташкил этувчи синтактик структураларнинг лингвистик мақоми талқини бобида бир хиллик кузатилмайди. Баъзи тадқиқот ишларида уларни **содда гап** термини билан аташсалар, айрим ишларда, хусусан, гипотактик қурилмаларда бу ўринда **предикатив қурилма** терминини қўллайдилар. Бизнингча, бу хусусда айтилган Ғ.Абдурахмоновнинг фикрларига қўшилиш мумкин. Унга кўра, қўшма гап шаклан икки ва ундан

¹²Қаранг: Абдурахмонов Ғ.А. Қўшма гап синтаксиси. Тошкент, 1961, 9-бет.

ортиқ содда гапнинг бирикувидан тузилиши қайд этилади ва шу билан бирга, содда гапларнинг айна пайтда қуйидаги белгиларга эга бўлиши айтилади:

1) ўзининг алоҳида интонацион хусусиятини йўқотади, қўшма гапнинг биринчи қисмини ташкил этган гапларнинг интонацияси иккинчи даражали бўлакнинг интонациясига ўхшаб қолади. Қўшма гапнинг ҳар икки қисми умумий бир интонацион хусусиятга эга бўлади;

2) содда гаплар таркибидаги айрим бўлаклар туширилиши, умумлаштирилиши, алмаштирилиши ёки қайтарилиши мумкин;

3) содда гап кесимлари шакли бир-бирига мувофиқлаштирилади;

4) айрим гап бўлакларининг вазифаси ўзгаради;

5) гап бўлакларининг тартибида ҳам маълум ўзгариш бўлиши беради¹³.

Ғ.Абдурахмонов қўшма гап таркибий қисмларини ташкил этувчи гапларнинг **предикатив қурилма, элемент** сингари номлар билан аталиши мақсадга мувофиқ эмаслигини таъкидлайди, зотан, улар қанчалик ўзига хос хусусиятга эга бўлмасин, гапнинг умумий белгиларини акс эттиради. Улар **гапликдан** чиқиб кетмайди ва гап мақомини сақлаб қолади¹⁴.

Ғ.Абдурахмоновнинг бу мулоҳазалари илмий асослидир, чунки қўшма гапнинг ҳар қандай ҳолатда ҳам камида икки содда гапнинг ўзаро бирикувидан, муносабатга киришувидан ташкил топишини инкор этиб бўлмайди. Тўғри, гипотактик синтактик қурилмаларнинг тобе қисмларини ташкил этувчи гаплар лингвистик ва прагматик омиллар таъсирида баъзан жиддий ўзгаришларга дуч келиши мумкин. Лекин, шундай бўлса ҳам, улар гап мақомини сақлаб қолади. Ғ.Абдурахмонов таъбири билан айтганда: “Қўшма гапни ташкил этган гаплар гапнинг асосий белгиларини ўзида ифодаласагина, улар қўшма гапнинг алоҳида компонентлари ҳисобланади,

¹³ Қаранг: Абдурахмонов Ғ.А. Қўшма гап синтаксиси. Тошкент, 1961, 10-бет

¹⁴ Қаранг: Абдурахмонов Ғ.А. Ўша асар. 1961, 13-бет

агар гапнинг асосий белгиларини ўзида ифодаламаса, у оддий сўз бирикмаси бўлади ва бундай конструкция содда гап саналади”¹⁵.

Қўшма гап таркибий қисмларини ташкил этувчи гапларнинг ўзаро муносабати мазмунан турлича мақсад ифодаларига мўлжалланган бўлади. Шунинг учун қўшма гап мазмуний жиҳатдан турлича турларга бўлинади. Масалан, гипотактик қурилмаларнинг аниқловчи, тўлдирувчи, сабаб, мақсад, тўсиқсизлик, пайт ва ҳ.к. турлари шу тамойил асосида белгиланади. Бунда, яъни гипотактик қурилмаларнинг мазмуний турларини белгилашда асосий восита тобе гаплар ҳисобланади. Чунки тобе гап бош (ҳоким) гапни изоҳлаш вазифасида келадиган, изоҳлаш орқали бош гапга тобе бўлган қўшма гап қисми саналади¹⁶.

М.Асқарованинг тадқиқот ишларида ҳам қўшма гап назарияси мукамал берилганини кўрамиз. Олима эргаш гапли қўшма гап ҳақида сўз юритганида қуйидагиларни қайд этади: “Эргаш гапларнинг деярли ҳаммаси мустақил содда гапларга хос асосий белгиларга-маълум мазмунни ифодалаш, предикативлик муносабатини билдириш пауза билан ажратиш хусусиятларига эгадир”¹⁷.

М.Асқарова эргаш гап шу мақомда келиши учун мазмундаги нисбий тугаллик, эга ва кесим муносабатининг мавжуд бўлиши ҳамда гапларга хос интонация (айни пайтда тобеликни ифодаловчи интонация назарда тутилмоқда) бўлиши шартлигини тўғри таъкидлайди¹⁸.

М.Асқарова эргаш гапли қўшма гаплар компонентларининг ҳар бири мазмунан нисбий мустақил эканлигини қайд этади¹⁹. Дарҳақиқат, гипотактик қурилмалар таркибидаги ҳар бир гап мазмунига кўра нисбий мустақилдир. Бироқ синтактик жиҳатдан эргаш гапларни мустақил деб бўлмайди. Тўғри, эргаш гап мазмунига кўра мустақил бўлиши, хатто ҳоким гапда берилаётган

¹⁵ Қаранг: Абдурахмонов Ғ.А. Ўша асар. Тошкент, 1961, 11-бет

¹⁶ Қаранг: Абдурахмонов Ғ.А. Ўзбек тили грамматикаси. Тошкент, 1996, 185-бет

¹⁷ Қаранг: Асқарова М. Қўшма гап // Ҳозирги ўзбек адабий тили.-Тошкент, 1987, 173-бет.

¹⁸ Қаранг: Асқарова М. Кўрсатилган асар, 172-бет.

¹⁹ Қаранг. Асқарова М. Ўша асар, Тошкент. 356-бет.

хабарга нисбатан салмоқлироқ хабар ифодасини бериши ҳам мумкин. Лекин синтактик позициясига кўра у ҳар қандай вазиятда ҳам бош гапга тобе бўлади. Бу хусусда Ғ.Абдурахмонов, А.Сулаймонов, Х.Холиёров ва Ж.Омонтурдиевларнинг “Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис” ўқув кўлланмасида берилган қўйидаги фикр ибратлидир: “Эргаш гапдаги мустақиллик, айниқса, бош гапи **маълумки, шуни билингки** типидagi конструкциялардан бўлганда яққол кўринади... Бунда эргаш гап фикрни кенгайтириш, ҳатто асосий мақсадни ифодалаш учун хизмат қилади”.

Демак, айрим эргаш гапларда бош гапга қараганда ҳам муҳимроқ воқеа, ҳодиса ҳақида хабар берилади, улар шаклан мустақил бўлади. Аммо бу турдаги эргаш гаплар бошқа бир гапни изоҳлаш вазифасига кўра эргаш гаплар саналади²⁰. Айнан ана шу вазифа бундай гапларни синтактик жиҳатдан бош гапга тобе қилиб қўяди. Бундай ҳолат эргаш гапларнинг барча турлари учун умумий тамойил ҳисобланади.

Ўзбек тили академграмматикасида ҳам эргаш гапли қўшма гапларнинг лингвистик табиати ҳақида анча мукамал маълумот берилган бўлиб, бу ўринда биз қўйидагиларга эътибор қаратишни лозим топдик.

Академграмматикада эргаш гап билан гап бўлаклари функцияларига кўра бир –бирларига жуда яқин эканлиги қайд этилади ва кўпгина эргаш гаплар ана шу боис ёпиқ гап бўлакларига ва оборотларга синоним бўлиб келиши эслатиб ўтилади. Бундан ташқари, эргаш гаплар баъзи хусусиятларига кўра сўз бирикмаларига ҳам яқин туриши хусусида сўз юритилади. Бунда қўйидагилар алоҳида таъкидланади:

а) эргаш гаплар, сўз бирикмаларига ўхшаш турли синтактик конструкциялар учун қурилиш материали саналади. Шунинг натижасида эргаш гаплар мазмун ва грамматик жиҳатдан нисбий мустақиллик хусусиятга эга бўлади;

²⁰Қаранг: Абдурахмонов.Ғ. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 1979, 134-бет.

б)эргаш гаплар, сўз бирикмаларига ўхшаш турли синтактик ҳолатларда маълум мазмун ва ўзига хос бўлган ички тузилиш хусусиятларини сақлайди²¹.

Айни пайтда академграмматикада қўшма гапларнинг, шу жумладан, эргаш гапли қўшма гапларнинг лингвистик табиати ҳақида берилган маълумотларнинг баъзи жиҳатлари, назаримизда, эътирозли кўринади. Хусусан, эргаш гапларнинг сўз бирикмаларига қиёс қўлланишида бунини кузатиш мумкин. Биринчидан, эргаш гаплар ва сўз бирикмаларининг турли синтактик қурилмалар қурилиш материали саналиши ҳақидаги фикр ўта ғализ. Бизнингча, эргаш гаплар ва сўз бирикмалари турли синтактик қурилмаларнинг қурилиш материали бўлиши ҳақида эмас, балки эргаш гаплар **эргашган** қўшма гапларнинг, сўз бирикмалари эса содда гапларнинг қурилиш материали бўлиши ҳақида сўз юритиш мумкин. Иккинчидан, ишимизнинг олдинги саҳифаларида айтиб ўтилгани каби, сўз бирикмалари гапнинг қурилиш материали бўла олмайди. Эргаш гапларнинг эргаш гапли қўшма гаплар қурилиш материали бўлиши хусусида ҳам мутлақо шартли равишда мулоҳаза қилиш мумкин.

Эргаш гапларни ички хусусиятларига эга эканлигини сўз бирикмаларига қиёс қилиш ҳам қандайдир нуқсонли кўринади, зеро, бундай хусусият (ички хусусият) фақат эргаш гаплар ва сўз бирикмалари учун эмас, балки ҳар қандай синтактик структура учун, ҳатто морфологик бирликлар учун ҳам характерлидир.

Р.Сайфуллаеванинг тадқиқот ишларида қўшма гаплар талқинига систем-структур нуқтаи назардан ёндашиш кузатилади. Олима анъанавий тилшунослигимизда амал қилиниб келинаётган қўшма гап назариясига танқидий муносабат билдиради. Бунинг далилини қуйидагиларда кўрамиз: “Қўшма гап содда гапларнинг бирикувидан ташкил топади, деган

²¹Ўзбек тили грамматикаси. Синтаксис.-Тошкент, 1976, 355 бет.

тушунчанинг ўзи ҳам мавжуд эмас. Чунки содда гап фикран нисбий, интонацион тугалликка эга бўлади. Қўшма гапнинг қурилиш материали ҳисобланган қурилмалар (худди шунингдек, якка бир сўз ҳам) бундай хусусиятга эга эмас. Улар шаклан, яъни ташқи томондан содда гапга ўхшайди.... Шунинг учун қўшма гап содда гаплардан ҳосил бўлади демасдан, қўшма гап ё номустақил содда гаплардан, ё предикатив birlikлардан ҳосил бўлади дейиш маъқул”²².

Р.Сайфуллаеванинг мазкур фикри билан умумий режага кўра қўшилиш мумкин. Бироқ бунда баъзи эътирозли мулоҳазалар ҳам мавжуд кўринади. Биринчидан, анъанавий тадқиқот ишларимизнинг қарийб барчасида қўшма гапнинг таркибий қисмини ташкил этувчи содда гаплар ҳақида фикр билдирилганда, бунинг нисбий тушунча эканлиги, аслида эса мазкур қурилмалар мустақил содда гаплардан фарқ қилиши эслатиб ўтилади. Иккинчидан, қўшма гап компонентлари саналувчи синтактик қурилмалар, тўлиқ мустақил бўлмаса-да, гап мақомини йўқотмайди.

Бироқ Р.Сайфуллаеванинг қуйидаги фикри билан тўлиқ қўшиламиз: “Қўшма гап ички турларига баҳо беришда ҳам эътирозли томонлар бор. Жумладан, эргаш гапли қўшма гапнинг мазмун турлари боғланган ва боғловчисиз қўшма гапларга асоссиз равишда кўчирилади”²³.

Дарҳақиқат, гипотактик қурилмаларнинг пайт муносабатини, сабаб муносабатини англатувчи деб аталган турлари паратакттик қурилмаларга нисбатан ҳам қўлланиши ҳолатларини кузатамиз. Бунинг натижасида эса гипотактик ва паратакттик қурилмаларнинг мазмуний турлари қарийб қориштириб юборилмоқда.

Н.Маҳмудовнинг тўғри таъкидлашича, ўзбек тилшунослигида, умуман, туркийшуносликда, ҳатто бошқа тилшуносликларда ҳам, айниқса, эргаш гапли қўшма гаплар атрофида баҳслар мавжуд эди ва ҳозир ҳам

²²Қаранг: Сайфуллаева Р.Р. Ҳозирги ўзбек адабий тилида қўшма гапларнинг формал-функционал талқини. -Тошкент, 1994, 33-бет

²³Қаранг: Сайфуллаева Р.Р. Кўрсатилган асар. 56-бет.

шундайлигича қолмоқда Шунинг учун ҳам эргаш гапли қўшма гапларни баҳолашда жиддий муаммолар анчагина²⁴. Олимнинг фикрига кўра, ўзбек тилшунослигида қўшма гапларни тадқиқ этиш борасида кўп йиллардан буён олиб берилаётган ишлар, асосан, формал синтаксис талабларига жавоб беради, мазмуний синтаксис йўналиши бўйича эса ҳозирги даврга қадар салмоқли ишлар амалга оширилганича йўқ²⁵. Бундан ташқари, Н.Маҳмудов эргаш гапли қўшма гаплар ўз табиатига кўра боғланган қўшма гаплардан фарқ қилишини алоҳида таъкидлайди ва бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: "...эргаш гапли қўшма гаплар боғланган қўшма гапларга қараганда узвлари ўртасидаги мазмуний-таркибий муносабатлар табиатига,бу муносабатларни юзага келтирувчи мазмуний, мантиқий ва синтактик механизмларнинг анча мураккаблигига кўра фарқ қилади²⁶.

Н.Маҳмудовнинг мазкур мулоҳазаларига қўшилган ҳолда шуни қайд этмоқчимизки, эргаш гапли қўшма гапларнинг нафақат мазмуний-мантиқий жиҳатларини, балки, кўп йиллар давомида ўрганилиб келишига қарамай, уларнинг формал-синтактик жиҳатларини ҳам ҳали мукамал тадқиқ этилган деб бўлмайди (Бу ҳақда ишимизнинг кейинги саҳифаларида яна сўз юритамиз).

Б.Ўринбоев ҳам эргаш гапларни предикатив бирлик тарзида эмас, балки гап мақомида кўради ва бунда интонация муҳим аҳамият касб этишини қайд этади: "Эргаш гаплар тўлиқ бўлмаса ҳам, маълум интонация билан бош гапдан ажралиб туриши керак. Эргаш гаплардаги интонация уни бош гапдан ажратувчи воситагина бўлиб қолмай, эргаш гапда қандай мазмун ифодаланганини кўрсатувчи восита ҳамдир. Шунинг учун эргаш гап ҳам гапларнинг бир кўриниши бўлгани учун бош гапдан, жуда қисқа бўлса ҳам, махсус пауза билан ажралиб туради"²⁷.

²⁴ Қаранг. Маҳмудов Н. Эргаш гапли қўшма гапларда шакл ва мазмун // Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. - Тошкент, 1995, 157-бет

²⁵ Қаранг: Маҳмудов Н. Ўша асар, 155-156-бет.

²⁶ Қаранг: Маҳмудов Н. Эргаш гапли қўшма гап // Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. - Тошкент, 1992, 212-бет.

²⁷ Қаранг: Ўринбоев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Самарқанд, 2001, 118-бет.

Б.Ўринбоевнинг эргаш гапни гап мақомида эканлиги ҳақидаги фикри билан тўлиқ қўшилиш мумкин. Бироқ, бизнингча, эргаш гапнинг мазмунини интонация билан боғлаш изоҳталаб кўринади. Чунки ҳар қандай гапнинг ҳам мазмуний ифодаси биринчи галда унинг таркибий қисмларини ташкил этувчи лексик (морфологик) бирликлар билан боғлиқ.

Ўзбек тилшунослигида эргаш гапли қўшма гапларнинг формал-синтактик хусусиятлари, аниқроғи, уларнинг семантик-сигнификатив парадигматикаси ва компонентлари ўртасидаги синтагматик муносабат масаласи А.Бердиалиев томонидан мукамал ишланди. Бу масалалар тадқиқи А.Бердиалиевнинг докторлик диссертацияси мавзусининг асосини ташкил этади²⁸. Бундан ташқари, унинг “Ўзбек тилида омоним модели эргаш гапли қўшма гаплар” деб аталувчи монографияси ҳамда “Ўзбек тили синтактик парадигматикаси асослари” мавзусидаги ихтисос курси матни ҳам ўзбек тилшунослигида эргаш гапли қўшма гапларнинг формал-синтактик нуқтаи назардан шаклланиши ҳамда тил бирликларининг парадигматик муносабатининг юқори босқичи бўлмиш синтактик парадигматика муаммоларининг ўзбек тилшунослигида ўрганилишига муносиб улуш қўшганини алоҳида таъкидламоқ даркор. Мазкур ишларида муаллиф боғловчили қурилмалар ва уларнинг омонимия ҳодисасига муносабати, шунингдек, тил бирликларининг парадигматик ва синтагматик муносабатлари, синтактик парадигматика, шу жумладан, қўшма гапларда синтактик парадигматика ҳодисасининг илмий талқини мукамал берилганини кўрамыз²⁹.

Гипотактик қурилмаларнинг систем-структур тадқиқига бағишланган монографик тадқиқотлардан бирини Н.Турниёзовнинг “Ҳозирги ўзбек тилида гипотактик қурилмаларнинг синтактик деривацияси” мавзусида ёзилган докторлик ишида кўрамыз. Мазкур тадқиқотда эргаш гапли қўшма

²⁸Қаранг: Бердиалиев А. Семантико-сигнификативная парадигматика и синтаксические отношения в конструкциях сложноподчиненного предложения узбекского литературного языка. Автореф. докт. дис. - Ташкент, 1980.

²⁹Қаранг: Бердиалиев А. Ўзбек тилида омоним модели эргаш гапли қўшма гаплар. - Тошкент, 1990

гапларнинг гипотактик курилмалар синтактик деривацияси тамойиллари атрофлича ёритиб берилади. Тадқиқот соф формал-синтактик йўналишда бўлиб, унда эргаш гапли қўшма гапнинг ҳар бир тури деривация маҳсули - ҳосила курилма тарзида ўрганилади ва бу жараёнда трансформацион метод **дериват** ҳосил қилувчи асосий омиллардан бири сифатида талқин этилади. Н.Турниёзов гипотактик курилмалар таркибий қисмларининг ҳар бирини алоҳида **операндлар** тарзида белгилайди ва уларнинг ўзаро муносабати **деривациянинг** мутлақ ҳоким унсури-**оператор** воситасида шаклланишини мукаммал ёритиб беради³⁰. Бундан ташқари, мазкур ишда гипотактик курилмаларнинг синтактик парадигмаси масаласига ҳам эътибор қаратилади. Бизнингча, бу жуда муҳим аҳамият касб этади, зотан, нутқ жараёнида сўзловчи прагматик омиллар қуршовида бўлгани боис, нутқ материалини тўғри танлашга масъулдир.

Бу ўринда шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Н.Турниёзовнинг мазкур тадқиқоти ўзбек дераваталогия мактабининг шаклланишида дастлабки қадам бўлди. Фикр далилини ўзбек тилшунослигида дериватология муаммоларига бағишлаб ёзилган ўнга яқин номзодлик диссертацияларида кўрамиз.

Н.Турниёзов ва К.Турниёзоваларнинг ҳаммуаллифликда ёзишган “Функционал синтаксисга кириш” монографиясида қўшма гапларнинг, шу жумладан, эргаш гапли қўшма гапларнинг ҳам функционал таҳлили муаммоси тадқиқи кун тартибига қўйилади. Мазкур ишда эргаш гапли қўшма гаплар, боғланган ёки боғловчисиз қўшма гаплардан фарқли равишда, ягона туб структура асосида шаклланиши алоҳида таъкидланади ва эргаш гапли қўшма гаплар шаклланишида суперфункционал **монемалар** муҳим рол ўйнаши ишонарли тарзда ёритилади³¹. Бунда монема деганда, муайян вазифа бажарувчи ва функционал қимматга эга бўлган нутқнинг энг кичик бирлиги

³⁰Қаранг: Турниёзов Н.К. Синтаксическая деривация гипотаксиса в современном узбекском языке. Автореф. докт. дис. - М., 1985.

³¹ Қаранг: Турниёзов Н., Турниёзова К. Функционал синтаксисга кириш. –Тошкент, 2003, 98-103-бет.

тушунилади. Монемаларнинг автоном, функционал, ярим функционал ҳамда суперфункционал деб номланувчи тўрт тури хусусида маълумот берилади. Ана шу монемалардан қўшма гап синтактик шаклининг деривацион хусусиятлари билан боғлиқ суперфункционал монемалар алоҳида аҳамият касб этиши атрофлича ёритиб берилади. Буни қуйидагиларда кўрамиз:

а) функционал монема ёхуд ярим функционал монема нутқнинг шаклланиши жараёнида фақат унинг бир элементиға функционал фаоллик беради ва бу элементнинг тилдан нутққа кўчирилишини таъминлайди;

б) суперфункционал монема нутқий жараён шаклланишида муайян бир сўзга эмас, балки бутун бир гапға функционал фаоллик беради. Бундан ташқари, унинг воситасида бир пайтнинг ўзида қўшма гап компонентларининг ҳар иккиси ҳамда қўшма гапнинг ўзи яхлитлигича функционал фаолликка эришади (мазкур вазифада қўшма гапни шакллантирувчи боғловчи ва боғловчи функциясини бажарувчи бошқа морфологик воситалар келади)³².

Таъкидлаш лозимки, гипотактик қурилмалар доирасида қўлланувчи боғловчи воситаларнинг суперфункционал монема мақомида ўрганилиши қўшма гап компонентларининг функционал таҳлили жараёнида муҳим аҳамият касб этади. Бошқача айтганда, бу орқали анъанавий тилшуносликда тадқиқотлар кун тартибида бўлмаган бир қатор масалалар ўз изоҳини топади. Масалан, гипотактик қурилма компонентларининг синтактик фаоллашуви, ҳар бир компонент структурасини ташкил этувчи элементларнинг (тил белгиларининг) нутққа кўчирилиши масаласи билан боғлиқ муаммолар, гипотактик қурилма синтактик шакли занжирининг шаклланиши тамойиллари ва ҳоказолар ана шундай масалалар жумласига киради.

Ш.Рахматуллаев гипотактик қурилмаларни **нотенгқисмли қўшма гапшакллар** тарзида номлайди. Олимнинг қайд этишига кўра, бундай қўшма

³²Қаранг: Ўша асар, 52-88-98-103-бетлар.

гапшаклларга яхлитланувчи содда гапшакллар бири бошқасига эргаштирувчи воситалар билан боғланади. Бундай воситаларга қараб қўшма гапшакл қисмлари орасидаги маъно муносабатлари тайинланади³³. Ш.Рахматуллаев том маънодаги қўшма гап сифатида эргаш гапли қўшма гапларни тан олади ва бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: “Том маънодаги қўшма гапшакл асли нотенг қисмли қўшма гапшакллар бўлиб, бош гапшакл ва эргаш гапшаклдан таркиб топади; булар асосан боғловчи воситаларга қараб белгиланад³⁴”.

Назаримизда, Ш.Рахматуллаевнинг “қўшма гапшакл”, “бош гапшакл”, “эргаш гапшакл” терминларини истеъмолга киритиши масала тавсифининг анъанавий тилшуносликда берилишига жиддий ўзгариш кирита олмайди. Бунда фақат терминологик номуштаракликни кўрамиз, холос. Аммо том маънодаги қўшма гапшакл аслида нотенг қисмли қўшма гаплар эканлиги хусусида айтилган фикрда илмий асос борлигини алоҳида қайд этамиз. Чунки илмий адабиётларда боғланган ва боғловчисиз қўшма гапларни паратактик қурилма сифатида тан олмаслик ҳолатлари ҳам мавжуд. Баъзи тилшунослар бундай қурилмаларни содда гапларнинг кетма-кет келишидан бошқа нарса эмаслигини қайд этадилар (бу ҳақда ишимизнинг кейинги саҳифаларида мукаммал маълумот берилади).

Тилшунослик адабиётларида, юқорида қисман эслатиб ўтилгани сингари, гипотактик қурилмалар таркибий қисмларининг ҳар бири предикативли қурилмаларни тақозо этиши қайд этилади. Дарҳақиқат, гипотаксис компонентлари, ҳажмидан катъи назар, воқеликка муносабат билдиради, акс ҳолда уларни нисбий мақомда бўлса-да, гап деб ҳисоблаш қийин эканлиги изоҳ талаб қилмайди. Шундай бўлгач, гипотактик қурилма сатҳида бирдан ортиқ предикатив бирликлар қатнашиши шубҳасиздир. Бу эса гипотаксис полипредикативли қурилма мақомида келишини кўрсатади.

³³ Қаранг: Рахматуллаев. Ҳозирги адабий ўзбек тили. -Тошкент, 2006. 399-бет.

³⁴Қаранг: Рахматуллаев. Ўша асар, 399-бет.

Гипотактик курилмаларнинг бундай хусусияти шу соҳада бажарилган қарийб барча тадқиқот ишларида таъкидланади. Аммо мазкур курилмаларнинг устпредикатив хусусияти талқини умумий тилшунослик доирасида бажарилган тадқиқот ишларида ҳам, шу жумладан, ўзбек тилшунослигида амалга оширилган илмий кузатувларда ҳам назардан четда қолиб келмоқда. Масалан, 1970 йилда чоп этилган “Грамматика современного русского литературного языка” асарида содда гапнинг грамматик маъноси предикативлик ташкил этиши, қўшма гапларда эса бу белги фақат уларнинг компонентларида кузатилиши, қўшма гапларнинг умумий структурасига, шу жумладан, уларнинг грамматик маъносига эса предикативлик тааллуқли эмаслиги таъкидланганини кўрамиз³⁵. Бундай нотўғри ғоя кўп йиллар давомида ўрта мактаб ўқувчилари, шунингдек, олий ўқув юртлири талабалари онгига сингдирилиб келганлиги афсусланарлидир.

Равшанки, паратактик курилмалардан фарқли равишда, гипотаксис қисмларининг бири ҳоким, иккинчиси эса унга тобе бўлгани боис, асосий предикатив марказ ҳоким гапда ўз ифодасини топади, тобе гапнинг предикативлик белгиси эса ана шу ҳоким гапнинг предикативлик белгисига эргшиб келади. Бироқ, шундай бўлишидан қатъи назар, тобе гапда ҳам предикативлик тўлиқ ўз аксини топади ва бунинг натижасида учинчи предикативлик белгиси шаклланади. Бошқача айтганда, гипотактик курилма таркибий қисмларининг ҳар бири предикативлик белгисига эга эканлиги полипредикативлик хусусиятини вужудга келтирса, уларнинг ўзаро муносабати натижасида умумий предикативлик белгиси воқеланади. Предикативликнинг мазкур кўринишини Х.Хайруллаев **устпредикативлик** деб атаydi³⁶.

³⁵Грамматика современного русского литературного языка. -М., 1970, с 653.

³⁶Қаранг: Хайруллаев Х.З.Сўз,сўз бирикмаси ва гапнинг предикативликка муносабати. Номзодлик дис. Автореферати. – Тошкент, 2001, 21-22-бетлар.

Дарҳақиқат, гипотактик қурилманинг полипредикативлик хусусиятига кўра унинг қисмларининг ҳар бири ўзича воқеликка муносабат билдиради ва улар умумий тарзда яна воқеликка муносабат билдириб, устпредикативлик ходисасини вужудга келтиради. Бу ўринда предикативлик ифодаси поғонали тарзда шаклланади. Бундай хусусият паратактик қурилмаларга ҳам тааллуқли, албатта. Аммо айтиш пайтда гипотактик қурилма ҳақида сўз юритилаётгани боис, шу ҳақда фикр билдирмоқдамиз.

Аммо бу ўринда шуни ҳам айтиш керакки, айрим тилшунослар паратактик қурилмаларни қўшма гап сифатида умуман тан олмайдилар. Бунинг асосий сабаби шундаки, паратаксис таркибий қисмларини ташкил этувчи гапларнинг ҳар бири семантик жиҳатдан ҳам, синтактик нуқтаи назардан ҳам мустақилдир. Бу ҳақда И.Ф.Вардулнинг фикри қуйидагича: “Сложносочиненные предложения, действительно, не являются предложениями: они делятся на предложения, не на компоненты (члены) предложения. То, что так называют, есть последовательности, **цепи** предложений, возникающие благодаря сочинению”³⁷.

Кўринадики, И.Ф.Вардуль паратактик қурилмаларнинг (боғланган қўшма гапларнинг) лингвистик мақомини тўлиқ инкор этади. Унинг фикрига кўра, бундай қурилмалар содда гапларнинг кетма-кет келишидан бошқа нарсаси эмас. И.Ф.Вардуль кўпгина тилшунослар, масалан, Куликовский, Сакулин, Гиппиус, Карцевский, Бархударов, Колшанскийлар нафақат паратактик қурилмаларни, балки “қўшма гап” тушунчасини умуман тан олмаганликларини ҳам алоҳида эслатиб ўтади³⁸.

И.Ф.Вардуль гипотактик қурилмаларни ҳам шартли равишда тан олади ва паратактик қурилмаларни қўшма гап деб бўлмагач, **гипотактик қурилма** тушунчаси ҳам ортиқча бўлиб қолишини, ҳар икки тушунча ўрнига битта-“қўшма гап” терминидан фойдаланиш мумкин бўлишини таъкидлайди.

³⁷Вардуль.И.Ф. Основы описательной лингвистики (синтаксис и супра синтаксис).М.1977.

³⁸Вардуль.И.Ф. Кўрсатилган асар, 216-бет.

И.Ф.Вардуль гап уни ташкил этувчи компонентларга бўлинишини, аммо у гапларга бўлинмаслигини қайд этади. Шу боис “қўшма гап” тушунчасининг ўрнига **период** тушунчасини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлишини атрофлича изоҳлаб беради. Бунда периодни гапларнинг ўзаро боғланиши тарзида эмас, балки бир неча гапдан ёки бир гапдан иборат бўлган мустақил курилма сифатида тушунмоқ лозимлиги уқтирилади. Период, гапдан фарқли равишда, бирдан ортиқ гаплардан тузулиши ва синтез қилинганда яна уларга бўлиниши мумкин. Шунинг учун **тобе ваҳоким гап** тушунчалари ҳам период ичида белгиланиши лозим³⁹. И.Ф.Вардульнинг мазкур мулоҳазаларини илмий асоссиз деб бўлмайди, гап ва период ҳақида билдирган фикрлари назарий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади. Олимнинг бундай хулосага келишининг негизида унинг қуйидаги сўзлари ётганлигини кўрамиз: “Синтаксиснинг асосий тушунчаси – гапнинг талқинига жуда кўп илмий тадқиқот ишлари бағишланганлигини кузатамиз. Бироқ, шундай бўлишига қарамай, у ҳақда ҳамон бирор бир натижага эришилгани йўқ.

А.Гроотнинг ёзишича, бу ўринда биз ғайритабиий ва парадоксал факт билан тўқнаш келамиз. Гапнинг лингвистик мақоми ва тавсифини барча билса ҳам, фанимиз ҳозиргача унинг аниқ изоҳини беролгани йўқ”⁴⁰.

И.Ф.Вардулнинг фикрига тўлиқ қўшилиш мумкин. Дарҳақиқат, бугунги кунгача **қўшма гап** мавзусига бағишланиб олиб борилган тадқиқот ишларининг изоҳталаб жиҳатлари анчагина. Бу билан боғлиқ муаммолар айниқса тилшунослик фани тараққиётининг ҳозирги даврида нутқ лингвистикаси илмий асослангандан кейин кўриниб қолмоқда. Фикр исботи учун қўшма гап билан унинг компонентлари ўртасида поғонали муносабат мавжудлигини, қўшма гапда матн мақоми ўз ифодасини топишини кўрсатишнинг ўзи ҳам кифоя.

³⁹Вардул И.Ф. Основы описательной лингвистики (синтаксис и супрасинтаксис).-М., 1777. –С.222.

⁴⁰Қаранг: Вардуль И.Ф. Кўрсатилган асар, 222-223-бетлар.

Рус тилшунослигида қўшма гап тушунчаси ҳар доим муаммоли бўлиб келганини кўрамиз. Бу ҳақдаги мунозара ўтган асрнинг 20-йилларида бошланган эди. Юқорида кўриб ўтганимиз И.Ф.Вардулнинг фикрига монанд мулоҳазалар М.Н.Петерсон, А.М.Пешковскийлар томонидан ҳам айтилган эди. Қуйида бунга қисқача тўхталамиз.

М.Н.Петерсон (Москва университети профессори) **паратаксис** ва **гипотаксис** тушунчалари асоссиз эканлигини таъкидлайди ва шундай бўлгач, **боғланган қўшма гап**, **эргаш гапли қўшма гап** терминларини ва **хоким гап**, **тобе гап** тушунчаларини ҳам мутлақо инкор этади. Петерсоннинг алоҳида қайд этишига кўра, қўшма гап сифатида талқин этилаётган синтактик қурилмалар таркибида гаплар эмас, балки сўз бирикмалари ўртасидаги муносабат шаклланади. Ана шу боис Петерсон бу сингари мураккаб қурилмаларни қуйидаги тарзда тасниф этиш мақсадга мувофиқ бўлишини қайд этади: 1. Сўз бирикмаларининг боғловчисиз муносабатини тақозо этувчи синтактик қурилма; 2. Сўз бирикмаларининг боғловчили муносабатини тақозо этувчи қурилма; 3. Сўз бирикмаларининг нисбий сўз воситасида боғланишини кўрсатувчи қурилма⁴¹.

Бизнингча, М.Н.Петерсон паратактик ва гипотактик қурилмалар хусусидаги фикрини баён этишда **қўшма гап** тушунчасининг лингвистик мақоми йўқлигига асосланади. Олимнинг бу соҳадаги мулоҳазалари асосли бўлишига қарамай, унинг паратактик ва гипотактик қурилмалар компонентларини сўз бирикмаси мақомида ўрганишига қўшилиш қийин, зеро, бунда тенг ёки тобе муносабатдаги боғланишнинг ҳар бирида воқеликка муносабат билдирилиши шубҳасиздир. Бундай қурилмаларни қўшма гап тарзида ёки период мақомида ўрганишимиздан қатъи назар, уларнинг полипредикативли характерда эканлигини инкор этиб бўлмайди.

⁴¹Қаранг: Петерсон М.Н. Очерк синтаксиса русского языка.-М., 1923.-С. 33-35.

М.Н.Петерсон томонидан тенг боғланиш ва тобе боғланишнинг ҳар иккиси ҳам инкор этилгач, бунга таниқли тилшунос А.М.Пешковский ўз муносабатини билдиради ва тенг ҳамда тобе боғланишли қурилмаларнинг инкор этилишига қарши чиқади. Аммо А.М.Пешковский паратактик қурилмаларни ҳам, гипотактик қурилмаларни ҳам “қўшма гап” термини билан эмас, балки “мураккаб бутунлик” (сложное целое) термини билан номлайди⁴².

А.М.Пешковский тенг ва тобе боғланишли синтактик қурилмаларнинг лингвистик мақомга эга эканлигини тан олган бўлса ҳам, “қўшма гап” тушунчасининг қўлланилишига қарши эди. Олимнинг фикрига кўра, бир неча гапни ўз ичига оладиган синтактик қурилмани қўшма гап деб аташ ноқулайлик туғдиради. Шу боис **мураккаб бутунлик** тушунчасини истеъмолга киритиш мақсадга мувофиқдир⁴³.

А.М.Пешковскийнинг бу мулоҳазаси ҳақиқатга яқин, зеро, бир неча гапни бирлаштирган синтактик қурилмани яна гап деб аташ талай англашилмовчиликлар келиб чиқишига сабаб бўлиши муқаррардир. Назаримизда, “**қўшма гап**” (сложное предложение) терминининг ўзи ҳам мантиқан жуда ғализ. Унинг ички маъносида “гапларнинг қўшиливи”, деган ифодани кўрамиз. Сўзларнинг қўшиливидан гап шаклланади, гапларнинг қўшиливидан гап эмас, балки гапдан бир поғона юқори турувчи синтактик бирлик вужудга келади.

Гапларнинг тенг боғланиши ва тобе боғланиши хусусида М.Н.Петерсон ва А.М.Пешковскийлар ўртасида вужудга келган ихтилоф рус тилшуносларининг бу соҳадаги қарашларига сезиларли таъсир этди ва шу боис кейинги йилларда тенг ва тобе боғланиш масаласи яна олимлар диққатини ўзига тортмоқда. Бу ҳақда “Ҳозирги рус тили синтаксиси” (-Санкт-Петербург, 2008) дарслигида билдирилган қуйидаги мулоҳазалар фикримиз

⁴²Қаранг: Пешковский А.М. Избранные труды. –М., 1959.-С. 131-146;

⁴³Пешковский А.М.Русский синтаксис в научном освещении. –М., 1938 –С.5.26;

далили бўла олади: “А.М.Пешковскийнинг қўшма гапда тенг ва тобе боғланиш муаммосига берган талқини кўпгина тадқиқотчиларни кониктирмайди. Шу сабабдан қўшма гапда тенг ва тобе боғланиш хусусидаги М.Н.Петерсоннинг аргументлари қайтадан тадқиқотлар кун тартибига киритилмоқда. Баъзи тадқиқотчилар мазкур масала бобидаги

А.М.Пешковский ва М.Н.Петерсонлар ўртасидаги мунозарада М.Н.Петерсон ҳақ эканлигини таъкидламоқдалар, жумладан, Т.А.Колосова ва М.И.Черемисиналар шундай фикр билдиришмоқда”⁴⁴.

Мазкур дарсликда қўшма гаплар, содда гаплардан фарқли равишда, полипропозитив бирлик эканлиги алоҳида қайд этилганини кўрамиз. Бундан ташқари, содда гап билан қўшма гапнинг ўхшашлик томони ҳам мавжуд бўлиб, уни ситуация ифодасида кузатиш мумкин. Бошқача айтганда, содда гап, қўшма гап ҳам ягона ситуация ифодасини беради⁴⁵.

Бу ўринда гипотактик ва паратактик қурилмаларнинг полипропозитив бирлик тарзида талқин этилиши формал синтактик йўналишдаги тадқиқотлар доирасида эмас, балки семантик синтаксис нуқтаи назаридан аҳамият касб этади. Уларнинг ситуация ифодалаши содда гаплар сингари эканлиги эса, бизнингча, изоҳталаб кўринади. Айниқса, паратактик қурилмалар ягона ситуация ифодасини бериши ҳақидаги фикрга қўшилиш қийин, зотан, паратактик қурилмаларни содда гапларнинг кетма-кет келиши деб биладиган бўлсак, уларда қанча содда гап қатнашаётган бўлса, шунча ситуация ифодаси ҳам бўлади. Бироқ ушбу дарсликда қўшма гапларни матн билан қиёс қилиниши масала тавсифига янгича ёндашилганини кўрсатади ва бунга ижобий баҳо бериш лозим деб ўйлаймиз (ситуация масаласига ишимизнинг кейинги саҳифаларида яна изоҳ берамиз).

⁴⁴Синтаксис современного русского языка. –Санкт-Петербург, 2008. С.209-210.

⁴⁵Қаран: Ўша асар, 200-бет.

Мазкур ишда қўшма гапларнинг лингвистик табиатига кўра бир томондан содда гаплар билан, иккинчи томондан эса матн билан қиёсланиши мумкинлиги алоҳида таъкидланади. Бундан ташқари, қўшма гап билан матн ўртасида жиддий чегара йўқлиги ҳам қайд этилади⁴⁶.

Дарҳақиқат, баъзи содда гаплар, хусусан, уюшиқ бўлакли, ажратилган бўлакли содда гаплар мазмуни кенглиги ва шакли мураккаблиги билан, айниқса, уларнинг синтактик структураларида ярим предикативли қурилмалар шаклланиши билан қўшма гапларга ўхшаб кетиши ҳолатлари кузатилади. Бундай синтактик қурилмалар хусусида сўз юритганида проф.Н.Маҳмудов қуйидагиларни қайд этади: “Туркий тилларда, жумладан, ўзбек тилида иккинчи даражали предикацияга эга бўлган қурилмалар ичида феълнинг функционал шакллари сифатдош, равишдош, ҳаракат номи ва феълнинг шарт майли иштирокида шаклланган ўрамлар кенг қўлланилади. Бу қурилмаларнинг содда гап сатҳига киритилиши унинг структурасини формал жиҳатдан ҳам, семантик нуқтаи назардан ҳам мураккаблаштиради. Иккинчи даражали предикация воситасида мазкур қурилмалар содда гапда предикатив конденсация, яъни **полипредикативлик** ҳодисасини вужудга келтиради. Бундай предикатив конденсация ушбу кўринишдаги содда гапларнинг синтактик табиатини мураккаблаштиради. Туркийшуносликда бундай содда гапларнинг синтактик мақомини белгилаш борасида фикр муштараклиги йўқ. Бошқача айтганда, мазкур қурилмалар содда гаплар саналадими ёки эргаш гапли қўшма гаплар ҳисобланадими, деган савол жавоби мунозарали бўлиб келди. Албатта, бундай қурилмаларни мураккаб шаклли содда гап тарзида ўрганиш мақсадга мувофиқдир”⁴⁷.

Н.Маҳмудовнинг синтактик шакли мураккабланишган содда гапларда иккинчи даражали предикация ифодаланиши ва бундай гапларда предикатив конденсация шаклланиши хусусида айтилган мазкур мулоҳазасини илмий

⁴⁶Қаранг: Ўша асар, 199-200 бетлар.

⁴⁷Маҳмудов Н. Семантико - синтаксическая асимметрия в простом предложении узбекского языка // Автореф. докт. дис. -Ташкент, 1984. -С. 12-13.

асосли деб ўйлаймиз. Зотан, шакли ҳар қанча мураккаблашувидан қатъи назар, содда гап қўшма гап мақомини ололмайди. Айни пайтда сифатдош, равишдош каби морфологик воситалар иштирокида шаклланган синтактик қурилмаларда вужудга келадиган предикативлик аломатлари иккинчи даражали мақомга эга бўлиб, уларни ярим предикативли қурилмаларни воқелантирувчи омиллар сифатида ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Аммо бу билан содда гапнинг қўшма гапга, шу жумладан, гипотактик қурилмага айланиши мумкинлигини инкор этмоқчи эмасмиз. Албатта, трансформацион жараёнда содда гапни қўшма гапга айлантириш мумкин. Бундай вазиятда қўшма гап ясовчи морфологик воситалардан (боғловчилар ва боғловчи вазифасидаги воситалардан) фойдаланилади. Бироқ паратактик қурилмалар ясалишида синтактик деривациянинг аппликатив усули, гипотактик қурилмалар ясалишида эса трансформация усули қўлланилади.

Юқорида қисман эслатиб ўтилгани сингари, қўшма гапларда матн белгилари мавжудлигини кўрамиз Е.П.Марченконинг қайд этишига кўра, муайян коммуникатив жараёнда баъзи гап кўринишлари матн билан изоморф ҳолатда бўлади. Хусусан, полипредикатив қўшма гапларда бунини янада аниқроқ кўриш мумкин. Полипредикатив қўшма гап матнни воқелантирувчи бирлик сифатида маълум бир коммуникатив йўналишда бўлади. Е.П.Марченко полипредикатив қўшма гапларни тематик бирлик сифатида тавсифлайди ва бундай бирликлар маъно тугаллиги сабабли кичик матнларни (подтексты) вужудга келтиришини эслатиб ўтади. Бундай кичик матнлар катта матн сатҳида унинг муайян таркибий қисмини ташкил этиши ва ҳатто матн мақомида келувчи абзац тарзида келиши ҳам мумкинлигини матн бирлиги вазифасини бажаришини, микроматн шаклидаги бирлик сифатида когерентлик (ички структураси яхлит бўлган) хусусиятига эга эканлигини алоҳида таъкидлайди⁴⁸.

⁴⁸Қаранг: Марченко Е.П. Полипредикативные сложные предложения как единицы текста // Филологические науки, №5, 2003.-С.44-46.

Е.П.Марченконинг фикрига қўшилиш мумкин. Чунки қўшма гап, шу жумладан гипотактик қурилма ҳам микроматн мақомида фаолият кўрсатади. Унинг ички структурасининг яхлитлиги ва тугал фикр ифодасини бериши бундан далолат беради. Бироқ юқоридагилар билан бир қаторда шуни ҳам айтиш керакки, Е.П.Марченко полипредикатив қўшма гаплар (паратаксист ҳам, гипотаксист ҳам) матн мақомида келишидан қатъи назар, гапга хос бўлган белгиларни ўзида сақлашини, уларни тарк этмаслигини қайд этади. Унинг фикрига кўра, бундай вазиятда полипредикатив қурилманинг интонацион хусусияти ва актуал бўлакларга бўлиниши характери ўзгаради⁴⁹.

Бизнингча, полипредикатив қурилма, жумладан, гипотаксистининг матн вазифасини бажариши жараёнида гапларга хос бўлган белгиларни тарк этмаслиги ҳақидаги фикр билан қўшилиш қийин, чунки микро-ёки макрохарактерли бўлишидан қатъи назар, матн гапга хос бўлган қонуният доирасида эмас, балки матн қоида-қонуниятлари ичида яшайди. Бундай синтактик қурилмаларнинг таркибий қисмлари вазифасини бажарувчи birlikлар гаплардан иборат бўлганлиги учун гапга хос хусусиятларни, белгиларни гипотактик қурилмадан эмас, балки унинг компонентларидан кидирмоқ лозим, деб ўйлаймиз. Интонация эса бу ўринда иккинчи даражали восита саналади, зеро, унинг ёрдами билан гапни матндан ёки матнни гапдан фарқламоқ қийин. Актуал бўлаклар масаласи ҳам, бизнингча, гап сатҳида амал қилади, унинг матн компонентлари асосидаги таҳлилини бериш қийин. Агар матннинг актуал бўлаклари ҳақида сўз юритишга тўғри келадиган бўлса ҳам, гап структурасига мурожаат этамиз ва у орқали матн компонентларининг коммуникатив вазифаларини белгилаймиз.

Юқоридагилардан ташқари, Е.П.Марченко таркибий қисмлари ёки компонентлари иккидан ортиқ бўлган қўшма гаплар хусусида сўз юритиб, уларни полипредикатив қурилма деб номламоқда. Бундай ҳолатда икки

⁴⁹Қаранг: Марченко Е.П. Ўша мақола ўша бет.

компонентли қўшма гаплар назардан четда қолади, ваҳоланки, қўшма гапнинг ҳар қандай тури ва кўриниши ҳам монопредикативли эмас, балки полипредикативли қурилма саналади.

Шуни ҳам айтиш керакки, қўшма гапларнинг тадқиқ қилинишида қарийб ҳозиргача тил ва нутқ birlikларини фарқлаб ўрганиш масаласига етарли даражада эътибор берилмади. Бошқача айтганда, **нутқ бирлиги** масаласи иккинчи даражали бўлиб келди, ёки аниқроғи, мазкур масала

унутилди. Аммо бугунги кунда нутқ лингвистикаси илмий асослангач, нутқ birlikларини белгилаш муаммосини тадқиқотларимиз кун тартибига киритиш ўта долзарб бўлиб қолганлиги изоҳ талаб қилмайди. Бу эса, ўз навбатида, энг аввал тил билан нутқни, кейин эса уларнинг birlikларини фарқлаб ўрганишимиз учун катта эҳтиёж туғдирмоқда.

Тилнинг мураккаб система эканлигини ва унинг белгилар мажмуасидан ташкил топганлигини тўлиқ илмий асослаб берган машҳур тилшунос Фердинанд де Соссюр “тил ва нутқ” дихотомияси ҳақида ҳам биринчи бўлиб маълумот берган эди. Бироқ қарийб ҳозиргача тилшунослар эътибори ушбу дихотомияснинг биринчи қисмига, яъни тил лингвистикаси муаммолари тадқиқига қаратилди. Унинг иккинчи қисми эса том маънода тадқиқотлар кун тартибига киритилмади. Шу боис кўпгина масалалар талқинини беришда баъзи чалкашликларга йўл қўйилди. Бунинг натижасида эса ҳатто матн ҳам тил бирлиги тарзида ўрганилди. Тўғри, тил билан нутқни бир-биридан ажратиб бўлмайди, улар ўта узвий боғлиқ. Лекин шундай бўлишига қарамай, уларнинг фарқли жиҳатлари ҳам борки, буни тўлиқ эътироф этмоғимиз лозим. Тил birlikларининг биргина виртуаллик хусусияти ва нутқ birlikларининг ҳар доим актуал эканлигининг ўзи фикримиз далили бўлиши мумкин.

Мазкур ишимизнинг мавзуси бўлган гипотактик қурилма, шубҳасиз, нутқ бирлигидир ва унинг қурилиш материални тақозо этувчи гап

колипидаги синтактик қурилмалар ҳам нутқ бирлиги саналади. Бирок гипотактик қурилма билан унинг компонентлари ўртасидаги боғланиш ўзига хослиги билан ажралиб туради. Бунда гипотаксис ва унинг компонентларининг лингвистик мақомлари муштарак эмаслигини кўрамиз, зотан, уларнинг биринчиси матн мақомида, кейингилари эса гап мақомида фаолият кўрсатади. Аммо бу ўринда биз айтмоқчи бўлган асосий мулоҳазамиз гипотаксис ва унинг компонентлари ўртасидаги поғонали (иерархик) муносабат ҳақидадир. Айнан ана шу муносабат гипотактик қурилмаларни, шу жумладан, тўсиқсизлик мақомидаги гипотактик қурилмаларни ҳам матн тарзида ўрганишимиз учун асос ҳисобланади.

Айни пайтда шуни ҳам айтиш лозимки, анъанавий тилшуносликда тил бирликларининг ҳам, нутқ бирликларининг ҳам поғонали муносабатига, гарчи мазкур ҳодиса уларнинг шаклланиши ва амал қилишида қонуният мавқеида бўлса ҳам, жиддий эътибор қаратилмади. Бундай вазиятни қўшма гап мавзусининг ўрганилишида ҳам кузатамиз. Бу ҳақда Б.Турниёзов ўзбек тилшунослигида биринчи бўлиб ўз мулоҳазасини билдирди: “Қўшма гап” термини фанимиз тараққиётининг ҳозирги даврида кўпчиликни қониқтирмапти. Чунки “қўшма гап” тушунчаси тил бирликларининг иерархик (поғонали) муносабати принципларининг бузилишига олиб келмоқда⁵⁰.

Б.Турниёзовнинг мазкур фикрига биз тўлиқ қўшиламиз. Бирок бу ўринда шуни эслатиб ўтмоқчимизки, унинг мулоҳазаларида “тил бирликлари” тушунчаси кенг маънода берилмоқда. Бизнингча, айна пайтда фикр ифодаси “тил бирликларининг иерархик муносабати” бирикмаси ўрнига, нутқ бирликларининг поғонали муносабати, тарзида баён этилганида мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки мустақил гаплар билан қўшма гап ўртасидаги муносабат нутқ бирликлари боғланишини тақозо этади.

⁵⁰Турниёзов.Б.Ҳозирги ўзбек тилида тенг компонентли мураккаб синтактик қурилмалар деривацияси.-Самарқанд, 2008, 22-бет.

Б.Турниёзов қўшма гап микроматн мақомида эканлигини алоҳида таъкидлайди ва бу фикрни имкон қадар илмий жихатдан далиллашга ҳаракат қилади ва “қўшма гап” термини ўрнига “мураккаб синтактик қурилма” терминини истеъмолга киритади⁵¹. Юқорида кўриб ўтганимиз сингари, бундай мулоҳаза А.М.Пешковский, И.Ф.Вардуль каби тилшунослар томонидан ҳам айtilган эди. А.М.Пешковский, аввал эслатиб ўтганимиз каби, “қўшма гап” термини ўрнига “муруккаб бутунлик” терминини, И.Ф.Вардуль эса “период” терминини қўллашни тавсия этишгандилар. Бизнингча, Б.Турниёзов истеъмолга киритган “мураккаб синтактик қурилма” термини анча қулай бўлиб, у бир пайтнинг ўзида периодни ҳам, мураккаб қўшма гапларни ҳам қамраб олади. Бироқ энг муҳими, **мураккаб синтактик қурилма** тушунчасининг матн мақомида эканлигидадир.

Шуни ҳам айтиш керакки, Пешковскийнинг лингвистик таълимотида ҳам, Вардулнинг назариясида ҳам **матн** тушунчаси тилга олинмайди. Уларнинг ҳар иккиси ҳам **қўшма гап** тушунчасини инкор этиша олмайди. И.Ф.Вардуль назариясида боғланган ва боғловчисиз қўшма гаплар мавжудлиги инкор этилган бўлса ҳам, тобе компонентли қўшма гап том маънода бундай мақомда келиши таъкидланганлигини кўриб ўтдик. Бундан ташқари, баъзи тилшунослар қўшма гапда матн мақоми мавжудлигини айтишган бўлсалар ҳам, “қўшма гап” терминидан воз кечиша олмайдилар.

Масалан, М.В. Ляпон қўшма гапда икки ва ундан ортиқ нисбий тугаликка эга бўлган хабар парчаси ўзаро муносабатга киришар экан, бундай қурилмалардан матн белгиларини қидирмоқ лозимлигини қайд этади ва қуйидагиларни алоҳида таъкидлайди: “Среди аргументов, подтверждающих текстовые свойства сложного предложения, в первую очередь заслуживает внимание то, что именно сложное предложение оказывается точкой

⁵¹Турниёзов.Б.Ҳозирги ўзбек тилида тенг компонентли мураккаб синтактик қурилмалар деривацияси.//Номзод.дис.авторепф.-Самарқанд, 2006.

приложения мыслительной активности субъекта–участника акта коммуникация”⁵².

Кўринадики, М.В.Ляпон кўшма гапларда матн мақоми мавжудлигини қайд этса ҳам, у кўшма гап тушунчасини инкор этмайди ва унинг шаклланиши мулоқат иштирокчиси тафаккури ҳамда воқеликнинг муайян бир фрагментига билдирадиган муносабати билан узвий боғлиқ эканлигини қайд этади. Аммо шундай бўлишига қарамай, ўтган асрнинг 80-йилларида кўшма гапни матнга қиёс қилишнинг ўзи, бизнингча, олимнинг бу ҳақда дадил фикр билдирганлигидан далолат беради.

М.В.Ляпон тадқиқотида кўшма гап таркибида қатнашаётган синтактик структуралар, аниқроғи, содда гаплар билан кўшма гап ўртасида рўй берувчи поғонали (иерархик) муносабат ҳақида маълумот берилмаса ҳам, унинг кўшма гап билан бўлаётган хабар фрагментлари ўртасида иерархик (стратификатив) муносабат шаклланишини эслатиб ўтишини⁵³ ижобий баҳолаймиз, зотан, бошқа тадқиқот ишларининг қарийб барчасида тил бирликларининг (нутқ бирликларининг эмас) поғонали муносабати ҳақида сўз юритилади.

Нутқ бирликларининг поғонали муносабати Х.Хайруллаевнинг тадқиқот ишларида мукаммал изоҳлаб берилади. Бошқача айтганда, Б.Турниёзовнинг тадқиқотида дастлаб тилга олинган ва бу ҳақда фикр билдирилган кўшма гапда нутқ бирликларининг поғонали муносабати бузилиши ҳақидаги ғоя Х.Хайруллаев томонидан янада мукаммалроқ асослаб берилади. Х.Хайруллаев нафақат мураккаб синтактик қурилмалар (МСҚ) билан уларнинг компонентлари ўртасида, балки мазкур компонентлар ўртасида ҳам поғонали боғланиш кузатилишини кўрсатиб беради. Аммо бунда МСҚ турларини, уларнинг ўзаро боғланиши усулини ҳам назарда

⁵²Ляпон М.В. Смысловая структура сложного предложения и текст. К типологии внутритекстовых отношений. -М., 1986.-С.9

⁵³Ляпон М.В. Кўрсатилган асар, 9-бет.

тутиш лозимлиги эслатилади: “Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, барча мураккаб синтактик қурилмаларнинг компонентлари иерархик боғланишни тақозо этади, деб тушунмаслик керак. Зотан, МСҚлар компонентлари тенг муносабатли ёки тобе муносабатли бўлиши бунга монелик қилади. Чунки компонентлари тенг боғланишли бўлган МСҚлар ҳар доим камида икки туб структурага асосланган мустақил гаплар билан поғонали муносабатда бўлса, компонентлари тобе боғланишли МСҚлар (агар у икки компонентли бўлса)ягона туб структура асосида шаклланган бўлади ва шу боис бунда тобе гапнинг поғонали муносабати етакчи гап орқали вокеланади. Демак, бундай вазият нафақат деривацион жиҳатдан, балки поғоналилик нуктаи назаридан ҳам аҳамият касб этади”⁵⁴.

Х.Хайруллаевнинг бу мулоҳазасига тўлиқ қўшилиши мумкин. Чунки гипотактик қурилмалар компонентлари таркибида ўзлари қатнашаётган мураккаб синтактик қурилма билан бир хилда тўғридан-тўғри иерархик боғланиш ташкил эта олмайди, бошқача айтганда, ҳоким гап тобе гапни ўзига синтактик жиҳатдан ҳам, семантик жиҳатдан ҳам эргаштириб келади. Демак, бундай МСҚларда олдин ҳоким ва тобе гаплар ўртасида поғоналилик вужудга келади, кейин эса тобе гап МСҚ билан ҳоким гап воситасида боғлана олади. Аммо буни синтактик структуралар ўртасида рўй берувчи нисбий поғоналилик деб тушунмоқ даркор, зотан, айти пайтда муайян бир синтактик структура иккинчисининг синтактик шакли ичига кира олмайди. Бу ўринда содир бўлувчи поғоналиликни, бизнингча, мазмуний поғоналилик тарзида тушунмоқ мақсадга мувофиқроқ бўлади.

Гипотактик қурилмалар, амалда қўлланилгандаги шаклларига кўра ўз мақомларига эга бўлади, чунки катта деривацион жараёнда ҳар бир синтактик қурилманинг трансформалари муайян парадигмалар шаклида намоён бўлади. Бу эса, ўз навбатида, сўзловчига нутқ материалини танлаш

⁵⁴Хайруллаев Х. Нутқ бирликларининг поғонали муносабати.-Самарқанд, 2008, 28-29-бетлар

имкониятини беради. Бу хусусда сўз юритганида Е.Н.Виноградова куйидагиларни тўғри қайд этади: “Коммуникатив парадигманинг бир қисмини ташкил этувчи трансформацион парадигма предикативлик нуктаи назаридан бекам-қўст бўлган гапларни сақлаган ҳолда турлича синтактик моделларни ўз ичига олади. Қўшма гаплар эса бу жараёнда шу мақомдаги гапларнинг бошқа турларига кўчади. Жумладан, сабаб-оқибат муносабатини билдирувчи эргаш гапли қўшма гап аниқловчи, ўрин-пайт, ... каби эргаш гапли қўшма гаплар “ниқобини кийиб”, бу орқали формал жиҳатдан шаклан ўзгаради, аммо ўз мазмуний ифодасини сақлаб қолади”⁵⁵. Е.Н.Виноградова бундай вазиятнинг вужудга келиши қўшимча дистрибуцияга асосланган трансформация билан боғлиқ эканлигини таъкидлайди⁵⁶.

Е.Н.Виноградова қўшимча дистрибуциянинг вужудга келиши ҳақида сўз юритганида М.В.Всеголодованинг шу ҳақдаги фикрига асосланади. Қўшимча дистрибуция тушунчасини қўшма гапларга нисбатан аслида М.В.Всеголодова қўллаган эди⁵⁷. Қўшма гапларнинг амалда қўлланилиши қўшимча дистрибуция ҳодисаси билан боғлиқлиги сўзловчига нутқ жараёнида синтактик структураларни танлаш учун кенг имконият яратади. Аммо қўшимча дистрибуция ҳар доим инвариант структура замирида вужудга келади. Ана шу боис қўшимча дистрибуция доирасида бўлган синтактик структуралар мазмуний жиҳатдан муштарак бўлади⁵⁸. Қўшимча дистрибуция тушунчаси, албатта, синтактик деривация ҳодисаси билан узвий боғлиқ. Чунки қўшимча дистрибуция биринчи галда трансформацияга асосланади ва трансформалар парадигмасини ҳосил қилиш учун хизмат қилади, трансформация эса синтактик деривация назариясининг асосий усулларида бири ҳисобланади.

⁵⁵Виноградова Е.Н. К вопросу о трансформационной парадигме сложного предложения (на материале предложений, выражающих причинно-следственные отношения)// Язык. Сознание. Коммуникация. Вып. 19.-М., 2001.-С.88

⁵⁶Виноградова Е.Н. Ўша асар, ўша бет.

⁵⁷Всеголодова М.В. Теория функционально-коммуникативного синтаксиса. Фрагмент прекладной (педагогической) модели языка.-М., 2000.-С.388.

⁵⁸Қаранг: Петрова О.Н. Принципы построения синтаксической парадигмы // Русский язык: исторические судьбы и современность. Материалы Международного конгресса русистов - исследователей. -М., 2001.-С.5.

Юқоридагилардан ташқари, қўшимча дистрибуция тушунчасини қўшма гапларга ва умуман, мураккаб синтактик қурилмаларга нисбатан қўллаганимизда унинг сатҳлараро (масалан, гап, мураккаб синтактик қурилмаларнинг ўзаро боғланиши) аҳамият касб этиши масаласига ҳам жиддий эътибор қаратиш лозим, зеро, гипотактик қурилма нафақат содда гап билан, балки абзац билан ҳам муносабатга кириша олади ва айни пайтда ҳам қўшимча дистрибуция ҳодисасига асосланади. Фикр далилини мураккаб синтактик қурилмаларнинг (гипотактик ва паратакттик қурилмаларнинг) абзац мақомида кела олишида кўришимиз мумкин. Бундай вазиятда қўшимча дистрибуция синтактик қурилмаларнинг лингвистик мақомига кўра ўз ифодасини топади. Чунки мураккаб синтактик қурилма (гипотаксис), абзацдан фарқли равишда, микроматн мақомида, абзац эса нисбий макроматн мақомидадир. Бироқ гипотактик қурилма (умуман, мураккаб синтактик қурилмаларнинг барчаси) шундай бўлишига қарамай, абзац вазифасида келиб, унинг қўшимча дистрибуцияси объектини ташкил эта олади. Шунинг учун бу ўринда биз қўшимча дистрибуция тушунчаси синтактик қурилмаларининг лингвистик мақомига кўра ўз ифодасини топиши хусусида сўз юритмоқдамиз.

Юқоридагилар билан бир қаторда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мураккаб синтактик қурилма паратакттик ёки гипотактик кўринишларнинг қайси бири шаклида келишидан қатъи назар, ҳар доим матн мақомида бўлади. Чунки мураккаб синтактик қурилма камида икки гапнинг ўзаро муносабатидан ташкил топади. Бу эса унинг матн мақомида эканлигидан далолат беради. Бу ўринда Ш.Турниёзованинг қуйидаги фикрини келтиришни мақсадга мувофиқ деб билдик. “... қўшма гапларда матнга хос белгилар мавжудлиги табиийдир. Буни бир неча гапнинг ўзаро муносабати натижасида тугалланган фикр ифодаси берилишида кузатиш мумкин”⁵⁹.

⁵⁹Турниёзова Ш.Н. Ҳозирги ўзбек тилида матн шаклланишининг деривацион хусусиятлари номзодлик дис автореферати. -Тошкент, 2010 14-бет.

Дарҳақиқат, паратактик ва гипотактик қурилмаларнинг ҳар бирида тугулланган фикр ифодаси берилади. Аммо айти пайтда биз тугалланган фикр ифодасининг берилишини нисбий тушунамиз. Чунки энг юқори поғонадаги макроматндан (ҳикоя, очерк, роман ва ҳ.к) бошқа матн турларининг барчасида фикр тугаллиги нисбий бўлади. Ҳатто макроматн саналувчи бобда ҳам фикр тугаллиги мутлоқ характерли деб бўлмайди. Масалан, кетма – кет келувчи бобларнинг кейингилари мазмуни салмоғига кўра олдингиларини тўлдиради. Аммо шундай бўлса-да, матннинг барча турларида (микроматнларда ҳам, макроматнларда ҳам) фикр тугаллиги ҳақида сўз юритиб келмоқдамиз. Бунга эътироз билдириш қийин, аммо бунини нисбий тушунмоқ даркор.

Ш.Турниёзова мураккаб синтактик қурилмаларни микроматн мақомида ўрганади.⁶⁰ Бу билан тўлиқ қўшилаемиз, чунки у ўзидан катта матн ичида қўлланиб, унинг компоненти вазифасида келиши ҳам мумкин. Абзац, боб ва ҳоказо матн турларида эса нисбатан бошқача вазиятни кузатамиз. Тўғри, абзац, бобнинг, боб эса макроматннинг компоненти вазифасида келади. Аммо улар мураккаб синтактик қурилма абзацнинг синтактик структураси ичига кира олиши каби хусусиятга эга эмас.

Микро- ва макроматн тушунчалари ҳам нисбий характерлидир, зеро, уларнинг лингвистик мақомлари аксарият ҳолларда ўзгариб кетаверади (бундан ҳикоя, очерк, роман ва ҳ.к. лар истисно).Ш.Турниёзова бунини микроматн ҳақида сўз юритганида қайд этади: “Микроматн тушунчасини нисбий талқин этиш лозим. Чунки унинг ифода материали алоҳида графема, мустақил сўз, сўз бирикмаси, гап ва мураккаб синтактик қурилма бўлиши ҳам мумкин. Бу жараёнда кичик матнга нисбатан каттасимикро- мақомида келаверади. Ҳатто абзац ҳам бобга нисбатан микроматн саналади”⁶¹.

⁶⁰Турниёзова Ш.Н.Ҳозирги ўзбек тилида матн шаклланишининг деривацион хусусиятлари\Номзодлик дис автореферати. Тошкент, 2010 13-15-бетлар.

⁶¹Турниёзова Ш.Н.Қўрсатилган иш, 22-бет.

Гипотактик қурилмаларнинг матн мақомида эканлиги ҳақида билдирилаётган фикр ва мулоҳазалар, бизнингча, тилшунослик фани тараққиётининг ҳозирги босқичида илмий асосланган нутқ лингвистикаси ва унинг ажралмас қисми бўлган матн тилшунослиги билан узвий боғлиқдир. Шундай бўлгач, анъанавий тилшунослигимизда кўп йиллар мобайнида ҳукм сурган ва кўникмага айланиб қолган кўпгина масалалар тавсифига янгича ёндашиш тадқиқотларимиз кун тартибидаги асосий ва долзарб муаммога айланиши шубҳасиздир. Албатта, бошқа фанлар сингари тилшунослик ҳам ҳар доим тараққиётдадир. Бу эса, ўз навбатида, гипотактик қурилмалар синтактик деривацияси билан боғлиқ масалаларни **когнитив** – прагматик тилшунослик, функционал таҳлил, синтактик семантика ҳамда тил ва нутқ материаллари тадқиқига синергетик ёндашув каби янги йўналишлар доирасида ўрганишни тақозо этади.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, лексик ва семантик деривация масалалари ҳам, синтактик деривация муаммолари ҳам биринчи галда инсон омили билан, унинг когнитив салоҳияти билан узвий боғлиқдир. Бошқача айтганда, лексик деривация маҳсули ҳисобланувчи ясама сўзлар, синтактик деривация натижасини тақозо этувчи сўз бирикмалари, гапдан бошлаб матн гача бўлган нутқ материалининг шаклланиши инсон онгида вужудга келувчи тафаккур маҳсулоти билан, бир сўз билан айтганда, сўзловчининг когнитив салоҳияти билан чамбарчас боғлиқдир. Бу эса, ўз навбатида, прагматик омилларга ҳам мурожаат этишни тадқиқотлар кун тартибига қўяди. Зотан, когнитив муаммоларнинг аксарияти ўз ечимини прагматик тушунчалар доирасида топади.

Юқоридагилардан ташқари, синтактик деривация муаммолари тадқиқига элементар математик қоидаларни, хусусан, алгоритмлардан фойдалана билишини ҳам жорий этиш компьютер техникаси билан бевосита боғлиқ бўлиб қолган замон талабига айланиб бормоқда. Албатта, тилшунослик фанининг бу соҳада эришган ютуқлари анчагина. Бироқ

шундай бўлишига қарамай, бу борада амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларимиз ҳам кам эмас.

Қисқача хулоса

1. Синтактик қурилмалар, структурасига кўра катта ёки кичиклигидан катъи назар, тил системасини тақозо этади. Бу жуда муҳимдир, зеро, тилнинг амалда қўлланилиши унинг бош вазифаси коммуникатив функция бажарилиши билан боғлиқдир.

2. Коммуникатив жараёнда тил бирликларининг кичиги каттасининг шаклланиши учун қанчалик зарур бўлса, ўз навбатида, каттаси ҳам кичигининг амалда қўлланиши учун шунчалик зарурдир. Ана шу жараёнда “қурилиш материали” тушунчаси кун тартибига киритилади.

3. Аньанага кўра қўшма гап деб аталиб келинаётган синтактик қурилмаларнинг қурилиш материали гап саналади. Бошқача айтганда, қўшма гап сатҳида содда гапнинг амалда қўлланиши учун айна пайтда синтактик объект ҳисобланади. Содда гап тил бирликларининг реал қўлланиши учун объект бўлса, қўшма гап нутқ бирликларининг амалда қўлланиши учун ана шундай вазифани бажаради. Бошқача айтганда, сўзнинг содда гапга муносабати қандай бўлса, содда гапнинг ҳам қўшма гапга муносабати шундайдир.

4. Ҳозиргача қўшма гаплар, шу жумладан, эргаш гапли қўшма гапларни ташкил этувчи синтактик структураларнинг лингвистик мақоми талқини бобида тилшунослар фикрлари ўртасида муштараклик йўқ. Баъзи олимлар бундай структураларни содда гап мақомида кўрсалар, айрим тилшунослар бу ўринда **предикатив қурилма** тушунчасидан фойдаланмоқдалар. Бизнингча, бу ўринда **содда гап** тушунчасининг қўлланиши мақсадга мувофиқдир. Чунки қўшма гапнинг компоненти вазифасида келган синтактик структура айти пайтда ўзининг гап мақоми тарк этмайди.

5. Лингвистик манбаларда эргаш гапларнинг сўз бирикмасига қиёс қилиниши мақсадга мувофиқ эмас, зотан, уларнинг лингвистик табиатлари бошқа-бошқадир. Тўғри, феълли сўз бирикмаси предикативлик аломатига эга бўла олади. Аммо гап орқали воқеликка муносабат билдирилиши ўзининг мукамаллиги билан сўз бирикмаларидан фарқ қилади. Айтиқса, паратактик ва гипотактик қурилмаларнинг полипредикатив ва устпредикатив хусусиятлари уларни бошқа синтактик структуралардан кескин фарқлайди.

6. Одатда, синтактик структураларнинг воқеланишини ўрганишда тил ҳамда нутқ бирликларининг парадигматик ва синтагматик муносабатлари талқинига эътибор қаратилади, аммо бу ўринда тил ва нутқ бирликларининг парадигматик-синтагматик-иерархик муносабатда фаолият кўрсатиши қонуният тарзида эканлиги унутилади. Айтиқроғи, тил ҳамда нутқ бирликларининг иерархик муносабати масалаларини тадқиқ этишга ҳозиргача жиддий эътибор қаратилмади. Ваҳоланки, поғонали муносабат тушунчаси ниҳоятда катта нуфузга эгадир, унинг бузилиши эса кўпгина муаммолар тадқиқида нотўғри хулосалар чиқаришимизга сабаб бўлмоқда.

7. Қарийб ҳозиргача тил ва нутқ ҳодисалари жиддий фарқланмади ва шу боис тил ҳамда нутқ бирликларини белгилаш масаласида ҳам баъзи ғализликлар вужудга келди. Бугунги кунда эса нутқ лингвистикаси алоҳида мақомга эга бўлгач, ва у тўлиқ асослангач, кўпгина масалалар, шу жумладан,

қўшма гаплар тадқиқига ҳам янгича ёндашиш ўз-ўзидан кун тартибига қўйилмоқда. Бу ўринда ҳам иерархик муносабат масаласи тадқиқига жиддий эътибор қаратиш лозим бўлиб қолмоқда.

8. Равшанки, тил бирликларининг ҳам, нутқ бирликларининг ҳам кичиги каттасининг таркибига киргандан кейингина қўлланишига кўра фаолликка эришади. Фонема иккинчи бир фонема сатҳида эмас, балки морфема ёхуд сўз сатҳида фаоллик ололади. Шунингдек, гап ҳам иккинчи бир гап таркибида эмас, балки матн таркибида синтактик фаолликка эриша олади. Бу эса анъанавий **қўшма гап** терминининг қўлланишида иерархик муносабат қонунияти бузилаётганини кўрсатади, чунки содда гап ҳам гап, қўшма гап ҳам гапдир.

9. Қўшма гап ўз мазмуни ва эътиборига кўра, матн мақомидадир. Шу боис уни мураккаб синтактик қурилма мақомида ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Мураккаб синтактик қурилма эса ҳар доим микроматн мақомида келади.

10. Мураккаб синтактик қурилма паратаксисни ҳам, гипотаксисни ҳам қамраб олади. Демак, **паратаксис** ва **гипотаксис** тушунчалари мураккаб синтактик қурилманинг муайян кўринишларидир.

11. Гипотактик қурилмалар анъанавий тилшунослигимизда формал-грамматик нуқтаи назардан мукаммал ўрганилди. Бироқ тилшунослик фани тараққиётининг ҳозирги даврида гипотактик қурилмаларни когнитив-прагматик, систем-структур тилшунослик тамойиллари асосида ҳам ўрганиш лозимлиги давр талаби бўлиб қолмоқда. Хусусан, гипотактик қурилмаларни антропоцентриқ нуқтаи назардан ўрганиш ҳамда уларнинг систем-структур тамойиллари асосида деривацион табиатини тадқиқ этиш бугунги тилшунослигимизнинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

ИККИНЧИ БОБ

Гипотактик қурилма шаклланишининг когнитив-прагматик тамойиллари

Жаҳон тилшунослигида бугунги кунда лингвистик муаммолар тадқиқида ва умуман, тилнинг мураккаб системадан ташкил топган ҳодиса эканлигининг тавсифини беришда инсон омилининг мавқеи ниҳоятда салмоқли эканлиги масаласини ўрганишга жиддий эътибор берилмоқда. Дарҳақиқат, ҳозирги пайтгача тилнинг мураккаб система эканлиги билан боғлиқ масалалар тадқиқида инсон омилининг иштироки қарийб ҳисобга олинмади. Ваҳоланки, инсон омилидан холи тарзда мавжуд бўлган системани тасаввур қилиш ҳам қийин. Аммо мазкур масалага тилшунослар мутлақо эътибор қаратмадилар десак, тўғри бўлмас. Бу ҳақда ўз даврида машхур немис тилшуноси В.Ҳ.Хумбольдт тилни ташқи ҳодисалар билан инсоннинг ички дунёси ўртасида яшовчи ҳодиса сифатида тушунмоқ лозимлигини эслатиб ўтган эди.¹

¹Гумбольдт В. фон.Избранные труды по языкознанию.-М.,1984.-С.304.

Бироқ, шундай бўлса-да, то XX асрнинг охиригача бўлган тилшунослик тараққиёти даврида тил ҳодисаларининг тадқиқи инсон омили таъсиридан холи тарзда ўрганилди.² Фақат айрим тилшуносларгина тадқиқот ишларида инсон омилининг тил ҳодисаларига муносабати ҳақида фикр билдирдилар, холос. Масалан, француз тилшуноси Емил Бенвенист ўзининг “Умумий тилшунослик” деб номланувчи асарининг катта бир бўлимини “Инсон ва тил” (Человек в языке) деб атагани бунга далил бўлиши мумкин. Е.Бенвенист сўзловчининг “Мен” (“Едо”) тарзидаги субъектив мавқеи муҳим аҳамиятга эга эканлигини аълоҳида таъкидлайди ва бу хусусда қуйидагиларни қайд этади: “Ҳар бир сўзловчи шахс ўзини субъект сифатида тасаввур этади. Тилнинг мавжудлиги айнан ана шу нарса билан узвий боғлиқ”³. Ҳатто “биз” деганимизда ҳам “мен” ва ҳар бир ўзини “мен” деб билувчи шахсларни тушунамиз.⁴

Е.Бенвенистнинг тил ҳодисаси воқеаланишида инсон омилининг мавқеи ҳақидаги мулоҳазалари бугунги тилшунослигимизда янада кўпроқ аҳамият касб этмоқда. Буни, айниқса, нутқимиз шаклланиши муаммолари билан боғлиқ масалалар талқинида аниқроқ кузата оламиз. Хусусан, диологик нутқнинг деривацион тамойиллари умумий планда инсон омили билан чамбарчас боғлиқ. Бошқача айтганда, “мен” (“Едо”) диологик нутқ деривациясининг доимий (мутлоқ) оператори саналади.

Юқоридагилардан ташқари, ҳозирги тилшунослигимизнинг антропоцентрик характери доирасида когнитив-прагматик тилшунослик муаммолари ҳам жиддий тадқиқ этилмоқда. Бу ўринда ҳам тил ҳодисаларига инсон омилининг таъсири масаласи муҳим аҳамият касб этади. Буни айниқса, тил системаси бирликларининг нутқда реал қўлланилишида аниқроқ

² Бу ҳақда қаранг: Попова Е.А. Человек как основополагающая величина современного языкознания// Филол. Науки, 2002. № 3.-С. 69;Нурмонов .А, Хакимов. М. Лингвистик прагматиканинг назарий шаклланиши// Ўзбек тили ва адабиёти, 2001, № 4 , 56-бет

³Бенвенист Е. Общая лингвистика. –М., 1974.-С. 264.

⁴Қаранг: Ўшаасар, 267-бет

кузатамиз. Зотан, инсоннинг (сўзловчининг) когнитив салоҳияти тил системасининг нутқда қўлланиши жараёнида ўз ифодасини топади. Бундан ташқари, айти пайтда прагматик воситалар ҳам муҳим омиллардан саналади. Чунки бунда ҳам инсон омили энг муҳим восита саналади.

Ҳозирги тилшуносликда катта нуфузга эга бўлиб бораётган когниталогия муаммолари тадқиқи ҳам аслини олганда, антропологик муаммолар жумласига киради. Бу ҳақда мулоҳаза билдирганида Е.А.Попова қуйидагиларни таъкидлайди: «Антропология тушунчаси ҳозирги тилшунослигимиз учун қўлланилишига кўра анча ўринли кўринади, чунки у нафақат когнитив йўналишни, балки функционал –коммуникатив ҳамда этнолингвистик йўналишларни ҳам қамраб олади»⁵. Бу фикрга тўлиқ қўшилиш мумкин, зотан, когнитив тилшунослик ҳам асл моҳиятига кўра инсон билан, унинг билимлари даражаси билан бевосита боғлиқдир. Бундан ташқари, уни мутлақо янги йўналиш деб ҳам бўлмайди. Чунки фалсафада билиш назарияси кўп йиллардан буён алоҳида бир категория сифатида ўрганилиб келинмоқда. Унинг янгиллиги шундаки, мазкур назария тил материаллини ўрганиш, тадқиқ қилишда эндигина қўллана бошланди. Когнитив тилшунослик прагматингвистика билан ҳам узвий боғлиқ. Буни биринчи галда инсоннинг энг муҳим прагматик восита эканлигида кўрамиз. Шу боис тилшуносликда **когнитив-прагматик омиллар** тушунчаси оммалашиб бормоқда.

Тилимизнинг амалда қўлланилишида инсон омилининг мавқеи хусусида Б.Турниёзовнинг қуйидаги мулоҳазалари ҳам ибратлидир: “Тил билан инсон муносабатининг узвийлиги нутқий жараёнда янада аниқроқ кўзга ташланади. Буни тилшунослик фанининг ҳар бир бўлимида бевосита кузатиш мумкин. Зотан, товушнинг артикуляцияси, сўзнинг маъно жиҳатлари ва грамматик формалари уларнинг ўзаро боғланиши каби жабҳаларининг ҳар бирида инсон омилини ҳис этамиз. Бу эса, ўз навбатида, тилнинг ҳар бир

⁵Попова.Е.А. Человек как основополагающая величина современного языкознания.-С.71

унсурининг нутққа кўчирилиши инсон омилининг иштирокисиз рўй бермаслигини тўлиқ тан олишимиз лозимлигини кўрсатади”⁶. Шу боис инсон омилини когнитив тилшуносликнинг ҳам, прагматик лингвистиканинг ҳам асосий воситаси деб биламиз. У тафаккур нуқтаи назаридан когнитив аҳамият касб этади, тилнинг энг нуфузли ташқи воситаси сифатида прагматик жиҳатдан маъно касб этади.

Когнитив тилшуносликда тил материалининг тадқиқи **концепт, сценарий, скрипт, фрейм, гештальт** каби тушунчаларга асосланилади. Мазкур тушунчалардан **концепт** предмет ёки ҳодисанинг умумий образини, тасаввурини, **сценарий** муайян ҳодисага хос фактларнинг узвийлигини акс эттирувчи намунавий шаклини, **скрипт** намунавий концептуал тузилмаларининг муайян турини, **фрейм** андозали ахборот структурасини, **гештальт** эса бир пайтнинг ўзида тафаккур ва тилга интилувчи мантикий структурани англатади⁷.

Албатта, тил материалининг таҳлили жараёнида ҳар бир тилшунос мазкур когнитив категориялардан тадқиқот учун энг кераклисини қўллаши ҳам мумкин. Ушбу категорияларнинг барчасини бир пайтнинг ўзида (муайян тадқиқот иши жараёнида) қўллаш қийин. Шу боис бизнинг ишимизда улардан асосан **концепт, фрейм** категорияларидан фойдаланамиз. Прагматик воситаларга эса инсон омили, деривацион муҳит кабилар тавсифини беришда кўпроқ мурожаат этилади.

2-§. Гипотактик қурилма деривациясида концепт тушунчаси тавсифи

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, инсоннинг миёсида тафаккур ва тил нисбий автоном деб аталиши мумкин бўлган икки воқеликни ташкил этади. Уларнинг ҳар бири ўзига хос бўлган билимлар мажмуасига эга бўлиб, бу билимларнинг фаоллашуви, вербал ҳолат касб этиши учун сўзловчи

⁶Турниёзов Б. Хозирги ўзбек тилида тенг компонентли мураккаб синтактик қурилмалар деривацияси.-Самарқанд, 2008, 67-бет

⁷Қаранг: Сафаров.Ш. Когнитив тилшунослик. –Жиззах, 2006.19-52-бетлар

фаоллиги ва нутқ имкониятлари талаб қилинади. мавжуддир. Нутқий жараённинг шаклланишида тил ва тафаккур узвий муносабатга киришади, зотан, инсон тафаккурида мавжуд билимлар тил орқали амалда татбиқ этилиш имкониятига эга бўлади. Айни пайтда тафаккурнинг билимлар хазинасида мавжуд бўлган тилга хос билимлар ҳам, инсоннинг турмуш тарзи билан боғлиқ билимлар ҳам назарда тутилмоғи лозим⁸.

Албатта, нутқий жараён шаклланишида инсон тафаккуридаги билимлар фрагментар ҳолатда воқелангани каби, тилимиз системаси билан боғлиқ билимларимиз ҳам шу тарзда рўёбга чиқади. Агар биз муайян нутқ жараёнида тилимизнинг фонематик бирликлари хусусида сўз юритадиган бўлсак, иккинчи бир нутқий ҳолатда гап ёхуд паратактик, гипотактик қурилмалар ҳақида фикр билдиришимизга тўғри келади. Бу эса, ўз навбатида, юқорида эслатиб ўтилган онгимизда мавжуд бўлган билимлар мажмуасининг фрагментар тарзда воқеланишидан далолат беради. Бундай вазият, албатта, инсоннинг нутқий фаолияти билан бевосита боғлиқдир. Аммо инсон онгида ҳеч қачон муайян матн ёки синтактик қурилма тайёр ҳолда мавжуд бўлмайди. Албатта, айни пайтда ёд олинган матн ёки шеърлар бундан истиснодир. Демак, муайян гап ёки мураккаб синтактик қурилмани шакллантириш учун сўзловчи ўз тафаккури, онгида мавжуд бўлган билимлар мажмуасидан ҳар сафар нутқ муҳити талабига кўра зарурий фрагментларни вақелантиради. Бу бир томондан шундай бўлса, иккинчи томондан инсон онгидаги билимлар нутқий муҳит билан боғлиқ ҳолда **синергетик куч** қуршовида туради. Айни пайтда синергетик куч тушунчасини биз билимларимиз тил воситалари орқали ўз ифодасини топиши жараёнида ўз-ўзини бошқариш қувватига ҳам эга эканлиги тарзида тушунамиз.⁹ Бу жуда муҳимдир. Чунки онгимиздаги билимларимиз ўз вербал ифодасини топиши учун фақат сўзловчининг ёхуд нутқий муҳитнинг ёрдамига таяниб қолмай, ўз-ўзини бошқариш синергетик қобилиятига ҳам эгадир.

⁸Қаранг: Кацнельсон С.Д. Речемыслительные процессы // Вопросы языкознания, 1984, №. 5-С.5.

⁹Қаранг: Пономаренко Е.В. О развитии системного подхода в лингвистике // Филологический науки, 2004, № 5. –С.29.

¹⁰Қаранг: Хакен Г. Синергетика. – М., 1980.

“Синергетика” термини аслида грекча **сйнергеиас** ўзидан олинган бўлиб, **ўзаро муносабат, ҳамкорлик** деган маъноларни англатади. Мазкур термин дастлаб немис олими Г.Хакен томонидан физикада қўлланилиб, бунда лазер нурланишининг ўзини-ўзи бошқариши назарда тутилган эди. Г.Хакен кейинчалик ушбу тушунчадан инсон мияси фаолиятини ўрганишда, инсоннинг феъл-атвори билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ этишда ҳам фойдаланади. Олим ўз кузатишлари натижасида синергетика деганда, муайян системага тааллуқли барча унсурларнинг ўзаро муносабатда, ҳамкорликда фаолият кўрсатишини тушунмоқ лозим, деган хулосага келади.¹⁰

“Синергетика” термини тилшуносликда дастлаб француз олими Р.Том томонидан қўлланилади. У тилнинг “бионейрофизик” моделини яратишда ушбу тушунчадан самарали фойдаланади. Немис олими В.Вилдген эса Р.Том назариясини ўз қарашлари билан тўлдиради.¹¹

Рус тилшунослигида ҳам “синергетика” термини самарали қўлланилмоқда. Айни пайтда ундан инсоннинг нутқий фаолиятини, когнитив салоҳиятини ўрганишда кенг фойдаланилмоқда.

Равшанки, синтактик қурилмаларнинг, шу жумладан, гипотактик қурилмаларнинг деривацион тамойиллари инсон тафаккурининг динамик хусусиятлари билан узвий боғлиқдир. Айни пайтда, албатта, синергетик куч фаолият кўрсатади.

Бу жараёнда семантика ва синтаксис ўзаро кесишади, зотан, семантик жиҳатдан муносабатга кириша олмайдиган тил бирликлари синтактик жиҳатдан ҳам алоқа боғлай олмайди. Мазкур вазият синергетик қувват билан бевосита боғлиқдир. Бундай ҳолат, айниқса, синтактик структуралар шаклланишида аниқроқ кўзга ташланади. Бошқача айтганда, тил бирликлари синтагматик муносабатга киришуви жараёнида нафақат фонемантик сатҳ

¹¹Қаранг: Пономаренко Е.В. Кўрсатилган мақола, 29-бет.

бирликларининг, балки морфематик, сўз сатҳлари бирликларининг, шунингдек, нутқ бирликларининг (гап ва мураккаб синтактик қурилмалар) ҳам муайян дистрибутив алоқа доирасидагина фаоллик кўрсата олишини кузатамиз. Агар тилнинг фонематик, морфематик, сўз сатҳлари бирликлари ўзаро иерархик муносабатда қўлланиш имкониятларига эга бўлса, нутқ бирликлари, хусусан, гапдан катта нутқ бирликлари амалда қўлланилганда улар доирасида гап билан гапнинг ўзаро муносабат ташкил этишини кўрамиз.

Айни пайтда шуни ҳам айтиш лозимки, тил бирликлари билан нутқ бирликларининг когнитив ва прагматик имкониятлари фарқ қилади, зеро, нутқ бирликлари материалида воқеликка муносабат билдирилиб, ҳар доим муайян хабар ифодаси берилади. Тил бирликларида эса бундай имконият мавжуд эмас. Тўғри, алоҳида олинган бир сўз орқали ҳам воқеликка муносабат билдирилиши ва хабар ифодаси берилиши мумкин. Аммо бундай вазиятда сўз гап мақомида келган бўлади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, гап ва гипотактик қурилмаларнинг воқеликка муносабат билдиришида ҳам фарқ бор. Гапнинг воқеликка муносабат билдириши монопредикативлик ҳодисаси доирасида рўй беради. Гипотактик ва паратакттик қурилмаларнинг воқеликка муносабат билдириши эса устпредикативлик ҳодисаси доирасида рўй беради. Бундай хусусият мураккаб синтактик қурилмалар ва матнгагина хосдир. Мустақил гап эса, ҳатто унинг синтактик шакли имкон қадар кенгайтирилган бўлганда ҳам, монопредикативлигича қолади:

1. У ҳовлида тизилиб турган уй эгаларига ер остидан ҳуркибгина қараб олди.(Ҳ.Ғулом. Тошкентликлар)

2. Бу ерга дадаси билан саҳарлаб етиб келган бўлса ҳам, Йўлдошни ёлғиз учратишининг иложи бўлмаган эди.(Ҳ.Ғулом. Тошкентликлар)

Берилган мисолларнинг биринчисида мураккаб шаклли мустақил (содда) гап қўлланилиб, у орқали воқеликка монопредикативлик доирасида

муносабат билдирилмоқда. Тўғри, гапнинг синтактик сатҳида **“ҳовлида тизилиб турган уй эгалари”** тарзида шаклланган ярим предикативли курилма ҳам мавжуд. Бироқ у синтактик жиҳатдан мустақил бўлмай, гапнинг асосий предикатив марказига бўйсунмоқда. Бу эса, берилган гапнинг монопредикативли мақомини ўзгартира олмайди¹².

Иккинчи мисолда тўсиқсизлик маъноли гипотактик курилмани кўрамиз. Бунда унинг таркибий қисмларининг ҳар бири воқеликка мустақил ҳолда муносабат билдирмоқда ва бу орқали гипотактик курилма полипредикативли характер касб этмоқда. Аммо масаланинг яна бир томони бўлиб, бунда биз матн структурасига хос бўлган белгини кўрамиз. Бошқача айтганда, гипотактик курилманинг компонентлари орқали воқеликка билдирилаётган алоҳида муносабатлар умумий планда бир-бири билан муносабатга киришмоқда ва натижада устпредикативлик ҳодисаси вужудга келмоқда¹³.

Равшанки , гипотактик курилма бирдан ортиқ гаплардан ташкил топиши боис , у полипредикативли хусусиятга эгадир. Бироқ унинг таркибидаги синтактик структуралар предикативлиги иерархик муносабатда бўлиб , улар умумий ҳолда ҳам воқеликка муносабат билдиради ва бунинг натижасида устпредикативлик ҳодисаси вужудга келади.

Таъкидлаш керакки, устпредикативлик ҳодисаси тилшунослигимизда ҳали олимлар диққатини ўзига тортганича йўқ. Назаримизда, мазкур ҳодисани махсус ўрганиш лозим. Бу ҳодиса таркибий қисми иккидан кам бўлмаган ҳар қандай матнда ҳам кузатилади. Бироқ матн лингвистикасига доир тадқиқот ишларида матннинг предикатив белгиси ҳақида сўз юритилса-да, устпредикативлик ҳодисаси ҳамон тадқиқ этилмаяпти.

¹²Бу ҳақда қаранг: Маҳмудов Н. Кўрсатилган авторедферат 3. 12-13-бетлар.

¹³ Қаранг: Хайруллаев Х.З. Кўрсатилган автореферат. 21-22-бетлар.

Синтактик курилмаларнинг воқеликка қай тарзда муносабат билдириши сўзловчи ва нутқ муҳити билан боғлиқ бўлади. Масалан:

Ойниса навбатнинг олдида турган маҳалла қарияларига салом берди (Ҳ.Ғулом. Тошкентликлар).

Ўчоқда олов паст бўлишига қарамай, олдиндан сарғайган тут шинни қозоннинг у ёғидан бу ёғига вишиллаб кўпириб тўлқин отарди (Ҳ.Ғулом. Тошкентликлар).

Берилган мисолларнинг биринчисида сўзловчи хабар ифодасини қуйидагича бериши ҳам мумкин эди:

1. Ойниса маҳалла қарияларига салом берди.
2. Улар навбатнинг олдида туришарди.

Айни пайтда мураккаб шаклли монопредикатив синтактик курилмаларнинг таркибида ярим предикативлик ҳолатда шаклланган **навбатнинг олдида турган** курилмаси тўлиқ предикативлик ифодамоқда (навбатнинг олдида туришарди). Берилган икки мустақил гап деривацион жараёнда битта мураккаб шаклли гапга трансформация қилинмоқда. Бу вазиятда, албатта, икки мустақил гапнинг когнитив нуқтаи назардан асосланаётган жуфт концептлари ҳам ўзгача тус олиб, мураккаб шаклли содда гапнинг хабар ифодаси билан боғлиқ ҳолда ягона концепт мақомини бериш учун хизмат қилмоқда. А.И. Зияевнинг қайд этишига кўра, концепт тил воситалари, лексик-семантик парадигмалар орқали намоён бўлади. Бошқача айтганда, унинг умумий мазмунини бир марказга бирлашган семантик майдон ҳосил қилувчи лексик воситалар ташкил этади. Бу майдонга кирувчи лексик бирликлар маъносига кўра бир-бири билан умумий алоқада бўлади. “Концепт” тушунчаси ўзида мантиқшунослик, психология, тилшунослик ва билиш назарияси фанларининг ўзаро ҳамкорлигини акс эттиради. Аниқроғи, концепт кўп қиррали, интегратив, яъни, логик психологик – гносеологик – лингвистик термин ҳамдир.

Концептнинг маъно салмоғи лексик маъно, оддий тушунчага нисбатан кенг. Шу боис у юксак даражадаги мазмуний умумийлик касб этади¹⁴

Юқорида келтирилган мисолларнинг иккинчисида эса гипотактик қурилма берилаётгани учун, бу ўринда предикативлик ифодаси ҳам полипредикативлик ва устпредикативлик ҳодисалари доирасида воқеланмоқда. Айти пайтда яна бир нарсага аҳамият бериш лозим кўринади. Берилган гипотактик қурилма таркибида бир йўла учта номинатив бирлик мавжудлигини кўрамиз: унинг ҳар бир компоненти алоҳида номинатив бирликни ташкил этишидан ташқари, уларнинг ўзаро узвий муносабатидан янада каттароқ ҳажмли номинатив бирлик вужудга келмоқда. Бунинг боиси шундаки, гипотактик қурилма компонентларининг структур яхлитлигида алоҳида ситуациялар (воқелик ситуациялари), гипотактик қурилма структурасида эса янада мураккаброқ ситуация ўз ифодасини топмоқда. Бу эса гипотактик қурилманинг мустақил гаплардан ўз номинатив аспектига кўра ҳам кескин фарқланишини кўрсатади.

Гипотактикқурилмаларнингсинтактикдеривациясидакогнитивомилларнингҳамўзигахосмавқеикузатилади.

Чункиҳарқандайсинтактикқурилманингшаклланишибиринчинавбатдаинсономилибилан, унингонгиданималаркечаётганлигибиланбевоситабоғлиқбўлади.

Буэса, ўзнавбатида, когнитиввоситаларнингқуршовидаюзберади.

Бунданташқари,

софпрагматиквоситаларҳамбуўриндамуҳимаҳамияткасбэтади.

Бундайвоситаларжумласиганутқситуацияси,

экстралингвистикомилларникиритишмумкин.

Прагматиквоситалармуайянсинтактикқурилма, шужумладан, гипотактикқурилмаларнингҳамдауларнингсинтактикдеривациясиучункеракл итилбирликларини (хусусан, лексиквоситаларни)

¹⁴ Қаранг: Зияев А.И. Инглиз тилида сўз маъносини кучайтиришнинг линвокогнитив аспекти // Номзод. дис. автореф.- Самарқанд, 2009, 15-бет.

танлашимкониятига кучли таъсир ўтказа олади.

Агар муайян лексик воситалар бир нутқ муҳити қуршовида қўлланишига қўрафа ол бўлса, иккинчи нутқ муҳити даулардан фойдаланишимконияти бўлмаслиги, ёки бу имкониятлар чегараланган бўлиши мумкин. Бундай вазият, албатта, синтактик структура деривациясининг когнитив-прагматик жиҳатлари билан узвий боғланади.

Айни пайтда сўз синтактик деривация хусусида бораётгани боис, бу ўринда “деривация” тушунчасига қисқача изоҳ бериб ўтишни лозим топдик.

Деривационназариётоммаънодатилшуносларимиз томонидан ўтган сўзларнинг 60-йилларидан бошлаб изчил қўлланила бошлади ва бусоҳада бирин-кетин салмоқли тадқиқотишларивужудга келди¹⁵. Тўғри, лексик деривация бобида эришилган ютуқлар 60-йилларгача ўтган давр ичида ҳам кўзга ташланади. Чунки лексик деривация ҳодисаси сўз ясалиши билан бевосита боғлиқ. Бу соҳада эса амалга оширилган ишлар қадимги даврларда ҳам мавжуд эди. Фикр далили учун Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида сўз ясалишига доир берилган маълумотларни келтириш мумкин¹⁶. Бундан ташқари, Алишер Навоийнинг “Муҳокамат-ул луғатайн” асарида бу хусусда айтилган фикрлар ҳам бунинг далили бўла олади.

Бироқ синтактик деривация ҳодисаси тадқиқи анча кеч бошланди. Н. Турниёзовнинг далолат беришига кўра, синтактик деривация ҳодисаси поляк олими Ежи Куриловичнинг “Деривация лексическая и деривация

¹⁵ Қаранг: Мурзин Л.Н., Шарина О.М. Деривация структур сложноподчиненных предложений в русском языке.-Пермь, 1971; Мурзин Л.Н., Синтаксическая деривация (анализ производных предложений русского языка). -Пермь, 1974; Синтаксическая деривация (на матер-производных предложений русского языка 1976 (докторская дис.)); Основы дериватологии.-Пермь, 1984; Кубрякова Е.С. Деривация, транспозиция, конверсия //ВЯ, №5.1974; Кацнельсон С.Д. Порождающая грамматика и принцип деривации// Проблемы языкознания.-М., 1967; Макович Г.В. Деривационная парадигма предложений, организованных описательными предикатами // Русский язык: исторические судьба и современность. Матер. ИИ Международ. Конгр.-М; 2004; Турниёзов Н.К. Синтаксическая деривация гипотаксиса в современном узбекском языке.-М., 1986 (док.диср); Бобоев У. Синтаксическая деривация придаточного предложения времени в современном узбекском языке (в сопоставлении с французским яз.).-Алма-Ата, 1992 (канд.дис.); Гаффаров А.А. Ҳозирги ўзбек тилида парцеллятив ва иловали қурилмаларнинг синтактик деривацияси // Номзодлик дис. автореферати.-Самарканд, 1997; Яхшибоев Ғ.Х. Ҳозирги ўзбек тилида содда ган синтактик деривацияси // Номзодлик дис. автореферати.-Самарканд, 2004; Турниёзов Б.Н. Ҳозирги ўзбек тилида тенг компонентли мураккаб синтактик қурилмалар деривацияси, -Самарканд, 2008; Шодиев Ф.Т. Ҳозирги ўзбек тилида бир бўғинли сўзларнинг структур-семантик талқини ва деривацион хусусиятлари // Номзодлик. дис. Автореферати.-Тошкент 2008; Турниёзова. Ш.Н. Ҳозирги ўзбек тилида матн шаклланишининг деривацион хусусиятлари // Номзодлик. дис. Автореферати.-Тошкент 2010; Турниёзов. Н, Турниёзов Б, Турниёзова. Ш.Н, Ўзбек тили деривацион синтаксиси.-Тошкент, 2011 ва бошқалар.

¹⁶Қаранг: Маҳмуд Қошғарий. Девону луғотит турк. 1-жилд.-Тошкент, 1960.

синтаксическая” деб аталувчи кенг ҳажмли мақоласи 1962 йилда рус тилида чоп этилгандан кейин тадқиқот ишлари кун тартибидан ўрин олди ва қисқа вақт ичида салмоқли илмий нуфуз касб этди¹⁷.

Деривациянинг бошқа турларида (лексик ва семантик деривация) бўлганидек, синтактик деривация ҳодисасида ҳам, асосан, қуйидаги уч терминдан фойдаланилади: **операнд, оператор, дериват**. Операнд деривация воқеланиши учун зарур бўлган материални (тил материални) тақозо этади. Оператор— бу деривацион ҳодисани вужудга келтирувчи восита ҳисобланади. Дериват эса ҳосила структура, яъни деривация маҳсули саналади.

Мазкур тушунчалардан энг муҳими, бошқача айтганда, деривациянинг мутлақ ҳокимунсури оператордир. Унинг иштирокисиз деривация воқелана олмайди:

1... *Қуёш бог этагидаги, чинорлар орқасига яширинган бўлса ҳам, ҳали салқин тушиб улгурмаган эди* (Ҳ.Ғулом. Қорадарё).

2. *Сотиболдихонинг яна бир инсоний фазилати шунда эдики, у ўзининг катта давлат эгаси эканлиги ҳақида дўстлари олдида чурқ этмасди* (С.Абдулла. Мавлона Муқимий).

Келтирилган мисолларнинг биринчисида гипотактик қурилманинг операндлари вазифасида унинг икки таркибий қисми, оператор вазифасида— **са ҳам** морфологик воситаси, дериват функциясида эса гипотактик қурилманинг умумий структураси келмоқда. Бироқ —**са ҳам** воситаси таркибли бўлгани учун бундай воситани дериватологияда **дубльоператор** деб атайдилар¹⁸.

Иккинчи мисолда ҳам операнд ва дериватнинг белгиланиши юқоридаги мисолда бўлганидек тартибдадир. Айти пайтда оператор таркибли бўлмагани

¹⁷Қаранг: Н.Турниёзов Гап ва унинг синтактик деривацияси // Ўзбек тили деривацион синтаксиси .-Тошкент, 2011.

¹⁸Қаранг: Турниёзов. Н, Турниёзов Б, Турниёзова. Ш. Ўзбек тили деривацион синтаксиси.-Тошкент, 2011, 82-бет.

учун (-ки), уни содда қилиб оператор деб аталади. Ҳар икки мисолда ҳам оператор (биринчи ҳолатда дубльоператор) семантик жиҳатдан ҳам, синтактик нуқтаи назардан ҳам ўзига хос вазифа бажармоқда. Бу эса берилган гипотактик қурилмалар синтактик деривацияси операторлари **полифункционал** характерли эканини кўрсатади. Бу жуда муҳимдир, чунки гипотактик қурилмалар таркибидан операторларни тушириб қолдирсак, прагматик муҳит паратактик қурилма шаклланишига имконият яратиш ҳам мумкин.

Қиёсланг:

1.... Қуёш боғ этагидаги чинорлар орқасига яширинган, аммо ҳали салқин тушиб улгурмаган эди.

2. У ўзининг катта давлат эгаси эканлиги ҳақида дўстлари олдида чурқ этмасди. Сотиболдихонинг яна бир инсоний фазилати шунда эди.

Иккинчи гипотактик қурилмада эса бош гап таркибидан - **ки**боғловчиси туширилса, бири иккинчиси билан мазмунан боғлиқ икки содда гап шаклланади.

Деривацион хусусиятларини ўрганишда энг аввал мазкур қурилмаларни икки катта турга бўламиз:

1. Субстантив гипотактик қурилмалар.
2. Ситуатив гипотактик қурилмалар.

Субстантив гипотактик қурилмалар жумласига эса пайт, ўрин, сабаб, мақсад, шарт, тўсиқсиз, натижа, ўхшатиш, миқдор-даража ва равиш эргаш гапли қурилмаларни киритамиз. Бироқ шуни ҳам айтиш керакки, мазкур ишда биз ўз олдимизга эслатиб ўтилган гипотактик қурилмаларнинг ҳар бирининг деривацион хусусиятлари тадқиқига тўхталишни мақсад қилиб қўйганимиз йўқ. Бизнинг асосий мақсадимиз субстантив ва ситуатив эргаш гапли микромазмун мақомидаги гипотактик

қурилмаларнинг деривацион тамойилларини когнитив-прагматик ҳамда синтактик семантика назариялари асосида ўрганишдан иборатдир. Бу жараёнда субстантив ва ситуатив эргаш гапли гипотактик қурилмаларнинг исталганига мурожат этамиз.

Қуйида дастлаб гипотактик қурилмалар деривациясида когнитив-прагматик омилларнинг мавқеи хусусида мулоҳаза юритамиз. Айни пайтда когнитив воситалардан бири концепт тушунчаси тавсифига тўхталамиз.

Юқорида концепт тушунчаси юксак даражадаги мазмуний умумийликни тақозо этиши ҳақида фикр билдирилган эди. Бироқ гипотактик қурилмалар микромаъно мақомида бўлгани учун уларнинг ҳар бирида алоҳида концептни белгилаш анча мураккаб бўлади. Чунки баъзи ҳолларда уларнинг семантик турларини аниқлашнинг ўзи ҳам анча қийин кечади. Масалан , аниқловчи эргаш гапли гипотактик қурилмани тўлдирувчи эргаш гапли қурилмадан , фарқлаш айрим ғализликларга сабаб бўлиши мумкин. Бундан ташқари , гипотаксиснинг алоҳида бир турида юксак даражадаги мазмуний умумийликни ифодоловчи тушунчани белгилаш масаласи ҳам анча мураккабдир фикр далили учун қуйидаги мисолларга мурожаат этайлик :

1. *Қишлоқ одамларининг тили ёт бўлса ҳам , гурбат чеккан мусофирларга имо-ишора билан меҳр кўрсатишиди* (А.Мухтор. Чинор).
2. *Қаландаров сўзининг охирида правлениенинг қарорини ўқиганда , зал яна жим қолди* (А.Қаҳҳор. Синчалак).
3. *Чиройли , попукдай бир қиз ўйнадики , иқлимда мисли йўқ , беқиёс...* (Ойбек. Улуғ йўл).
4. *Аммо жаноблари амин бўлсинларки , булар орасида ҳар қандай қабиҳликдан бош тортмайдиганлар бор* (Ойбек .Улуғ йўл).

Келтирилган мисолларнинг биринчисида тўсиқсизлик , иккинчисида пайт , учинчисида аниқлаш , тўртинчисида эса объект тушунчалари устувор

аҳамият касб этмоқда. Бироқ мазкур тушунчаларни тўлақонли концепт даражасида деб айтиш қийин. Чунки, улар айна пайтда юксак даражадаги мазмуний умумийликни фақат шу гаплар доирасида ифодаламақда. Бу эса, бу ўринда концепт тушунчасини бошқачароқ ҳал этишни тақозо қилади.

Мазкур тушунчаларни ўзлари тегишли бўлган гипотактик қурилмаларнинг барчасига умумий деб ҳисоблаганимизда ҳам концепт тушунчасининг юксак даражадаги умумийлик касб этаётганини тасдиқлай олмаймиз. Айна пайтда уларга хос бўлган умумийлик, бизнингча, анча тор доирададир. Шу боис бу тарздаги тушунчаларни микроконцепт мақомида ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Фактик тил материалининг таҳлили бу ўринда концепт тушунчасини бошқачароқ изоҳлаш лозимлигини кўрсатмоқда. Унга кўра, субстантив маъно ва ситуатив маъно тушунчалари тўлақонли концепт мақомида эканлигини эътибор этиш лозим кўринади. Мазкур тушунчалар юксак даражадаги умумийликни ифодаляётгани изоҳ талаб қилмайди. Зотан, субстантив маъно аниқловчи, тўлдирувчи, эга, кесим эргаш гапли гипотактик қурилмаларнинг барчасига тегишли бўлса, ситуатив маъно эса пайт, ўрин, сабаб, мақсад, шарт, тўсиқсиз, натижа, ўхшатиш, микдор-даража ва равиш эргаш гапли гипотактик қурилмаларни қамраб олади.

Шуни ҳам айтиш лозимки, юксак даражадаги умумийликни англатувчи тушунча ўз-ўзидан ҳосил бўдиб қолмайди. Бундай тушунча шаклланиши ўзидан кичик даражадаги умумийлик англатувчи воситалар ёхуд тушунчалар воситасида воқеланади. Улар жумласига гипотактик қурилмаларнинг ҳар бир турини номловчи тушунчаларни киритамиз. Масалан, тўсиқсизлик, пайт, сабаб, аниқлаш, объект, субъект (маъноси), предикат (маъноси), ўхшатиш ва ҳ. к. маънолари билан боғлиқ тушунчалар улар жумласига киради.

Ана шулардан келиб чиқиб, бу сингари тушунчалар учун **микроконцепт** терминини истеъмолга киритиш лозим кўрилади. Зеро,

микроконцепт тушунчаси айти пайтда тил материали тахлили учун анча кулайлик туғдиради. Аслини олганда ,субстантив маъно , ситуатив маъно тушунчаларининг ҳам концепт мақомини нисбий тушунмоқ даркор.Чунки улар ҳам **гипотаксис** концептининг доирасидафаоллик кўрсатади. Гипотаксис тушунчаси эса том маънода мазмуний умумийлик англатади. Бироқ айти пайтда биз кўзланган масала тавсифини беришда кулайлик бўлсин учун субстантив маъно ва ситуатив маъно тушунчаларидан фойдаланишни мақсадга мувофиқ топдик . Масала тавсифига ана шу нуқтаи назардан ёндошганимизда юқорида келтирилган гипотактик курилмаларнинг олдинги иккитаси ситуатив маъно концепти доирасида деривацион фаоллик олганлигини кўраимиз.

Таъкидлаш лозимки , концепт тушунчаси сўзловчининг тафаккури маҳсули бўлиб , у тил бирликлари орқали ўз ифодасини топади . Айти пайтда синтактик структураларнинг шаклланишида бевосита иштирокчилар тарзида қатнашаётган тил бирликларининг мавқеи юқори бўлади . Бироқ баъзи тилшуносларнинг бу хусусда айтган фикрлари , яъни бу ҳақдаги тушунчалари ўзгачароқ эканини кузатамиз . Масалан , рус тилшуноси Ю.Н. Караулов инсон мияси тили (миядаги нейронлар муносабати тили) билан нутқ товушларига асосланган тил ўртасида **тафаккур тили** деб номлаш мумкин бўлган оралиқ тил ҳам мавжудлигини қайд этади . Олимнинг эътироф этишига кўра, оралиқ тилининг семиотик белги ифодасига эга бўлмайди. Бошқача айтганда, оралиқ тилининг товуш тилида қўлланиладиган тил бирликлари билан алоқаси йўқ¹⁹.

Бизнингча, Ю.Н.Карауловнинг мазкур мулоҳазасига қўшилиш қийин. Чунки тафаккур тили ички нутқимиз билан узвий боғланади, ички нутқ маҳсулоти эса ҳар қандай шароитда ҳам товушларга асосланувчи нутқимизга кўчирилгач, ўзининг вербал ифодасини топади. Бу эса, ўз навбатида, тафаккур тилининг ҳам семиотик белгилардан холи тарзда яшай

¹⁹ Қаранг: Караулов Ю.Н. Русский язык и языковая личность 1-е изд М.:наука,1987.

олмаслигини кўрсатади: *Қанчалик қийин бўлмасин, Низомжон кексайиб қолган отасига тиргак бўлишига аҳд қилиб қўйди.* (С.Аҳмад. Уфқ).

Келтирилган гипотактик қурилмада ўз ифодасини топаётган муайян бир юмушнинг қийинлиги, аммо шундай бўлишига қарамай, унинг амалга оширилганлигини қайд этиш тарзидаги мазмуний ифода энг аввал сўзловчининг онгида режалаштирилиб, кейин бу воқелик тил бирликлари воситасида рўёбга чиқмоқда. Бизнингча, буни инкор этиш қийин. Тўғри, инсон тафаккурида мавжуд барча билимлар нутққа кўчирилмагунча реал ҳолатда семиотик белгилари бўлмайди. Бироқ онгимиздаги ҳар бир тушунчани нутққа кўчирар эканмиз, улар тил воситаларининг иштирокисиз амалда воқелана олмайди. Бу хусусда сўз юритганида Ш.Сафаров қуйидагиларни таъкидлайди: « Ю.Н.Карауловнинг тафаккур фаолияти белги кўринишидаги воситалардан холи эканлиги ҳақидаги фикри ҳақиқатдан бирмунча йироқдек кўринади. Белгини фақатгина зоҳирий нутққа хос ҳодиса сифатида баҳолаш белгининг функционал (вазифавий) хусусиятларини инкор қилиш, уни фақатгина моддий мавжуд ҳодиса сифатида тасаввур қилиш билан боғлиқ»²⁰.

Бизнингча, тафаккур фаолиятида иштирок этадиган семиотик белгиларни мавҳум ифодали деб тушунмоқ ҳақиқатга яқинроқ бўлади. Ботиний нутқда ҳам тил белгилари фаол қатнашадиган бўлса, у ҳолда ботиний ва зоҳирий нутқларнинг фарқи қолмайди. Фикр исботи учун қуйидаги тўсиқсизлик маъноли гипотактик қурилманинг деривацион тарихига эътибор қаратайлик:

Чўл ўтлари энди қовжираб келаётган бўлса ҳам, онда-сонда булоқлар атрофида кўм-кўк ўтлоқлар учраб турарди. (М.Осим. Карвон йўлларида).

Берилган гипотактик қурилманинг нутқий жараёнда шаклланмаганлиги шубҳасиздир. Чунки бу ўринда асар муаллифи ўзи кўрган манзара тасвирини бермоқда. Албатта, бундай шароитда, яъни ўзи кўриб, ҳис этиб бораётган

²⁰Сафаров Ш. Кўрсатилган асар, 29-30-бетлар

манзара тасвири дастлаб унинг онгида шаклланади. Бошқача айтганда, биз айни пайтда ўқиб билиб олиш имкониятига эга бўлиб турган синтактик структуралар асар муаллифининг дастлаб тафаккури тили орқали ўз ифодасини топади. Бунда, албатта, тил белгиларининг қўлланиши мавҳум тарзда намоён бўлади. Муаллиф мазкур гипотактик курилма шаклидаги синтактик структурани ўз ўқувчилари учун тақдим этиш жараёнида эса реал белгилар (тил бирликлари)дан фойдаланганлиги изоҳ талаб қилмайди. Шунинг учун тафаккур тилида семиотик белгиларни мавҳум тарзда тасаввур этамиз. Аммо тафаккур тилида семиотик белгилар қатнашмайди, деган хулосага келиш, бизнингча, ноўриндир. Зотан, инсон воқеликдаги нарсалар, предметлар, воқеа-ҳодисалар ҳақида муайян тушунчага эга бўлиш учун уларни мавҳум тарздаги семиотик белгилар ёрдамида тасаввур этади. Бу жараёнда нутқда қўлланилиши лозим бўлган синтактик структуралар ҳам қандайдир тасаввур қилинади. Чунки сўзловчи нутқ жараёнида қандай синтактик курилмалар ишлатилиши, масалан, паратактик, гипотактик ёхуд парцеллятив курилмаларнинг қўлланилиши ҳақида ўйлаб ўтирмайди. Зеро, бу ҳақда унинг тафаккур тилида олдиндан идрок этилган тушунча мавжуд бўлади. Бу эса жумла синтактик деривациясининг пропозитив структураси билан ҳам боғлиқдир. Пропозитив структура эса, ўз навбатида, **концепт** тушунчаси билан алоқадордир.

Юқорида эслатиб ўтилгани сингари, концепт шаклланишининг бошланғич нуқтаси воқелик бўлаги (предмет) ҳақидаги тасаввур-образнинг юзага келишидир. Бу образ оддий схема ёки шакл бўлиб қолмасдан, балки мазмунли ҳодисадир²¹. Ана шу жихатига кўра **пропозиция** тушунчаси концепт тушунчасига қисман яқинлашади.

С.Д.Кацнельсон пропозиция хусусида сўз юритганида қуйидагиларни таъкидлайди: “Пропозиция содержит в себе момент образности и в этом отношении более непосредственно отражает реальность чем предложение.

²¹Қаранг: Сафаров Ш. Кўрсатилган асар, 21-бет

Подобно картине она изображает целостный эпизод”²². Бу хусусиятига кўра **концепт ва пропозиция** тушунчалари бир-бирига қисман ўхшаб кетади. Бироқ **концепт** предмет, муайян ҳодиса номи билан боғлиқ образликни (тасаввурни), пропозиция эса бўш ўринлари тўлдирилгач, вужудга келадиган семантик структурани тақозо этади. А.Нурмонов пропозиция гапнинг маъно салмоғини ташкил этишини тўғри таъкидлайди.²³

Шуни ҳам айтиш керакки, пропозициянинг шаклланиши ҳам инсон омили билан, унинг тафаккури билан боғлиқ. Бироқ пропозициянинг гапга айланиши учун зарур бўлган тил элементлари муҳим аҳамият касб этади. Мазкур элементлар эса пропозиция қолипида олдиндан белгиланган бўлади. Бундай вазият пропозитив структура асосида шаклланган ҳар қандай синтактик структурада ҳам кузатилади. Аммо пропозиция ҳодисаси тавсифи мавжуд адабиётларда асосан содда гап материалига асосланганлигини кўрамиз. Гипотактик қурилмаларда уларнинг пропозитив структураларини қай тарзда белгилаш лозимлиги ҳали изоҳталаб бўлиб қолмоқда. Бу жиҳатдан паратактик қурилмалар таҳлилида муаммо бўлмаслиги мумкин. Чунки мазкур қурилмалар компонентлари ўз мустақилликлари билан ажралиб туради.

Гипотактик қурилманинг, бизнингча, асосий пропозитив структурасини унинг ҳоким гап мавқеидаги қисмида белгилаш лозим. Тўғри, тобе гап синтактик структураси ҳам ўзига хос пропозитив маънога эга. Бироқ гипотаксиснинг умумий мазмуний ифодасида бош гапнинг пропозитив структураси етакчилик қилади:

Бироқ кўзларини юмиб қанча уринмасин, тарқоқ фикрларини йиғи олмади (Ойбек. Нур қидириб).

²²Кацнельсон С.Д. Речемыслительные процессы // Вопросы языкознания, 1984, № 4. –С.6

²³Қаранг: Нурмонов А. Гапнинг мазмуний тузилиши // Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. –Тошкент, 1992.

Гипотактик қурилма тўсиқсизлик маъноли бўлгани учун бу ўринда унинг пропозитив структураси марказида **кўзларнинг юмилиши** эмас, балки **фикрларнинг йиғилмаганлиги** тарзидаги маъно ифодаси турганлиги табиийдир. Бироқ бу билан тобе гап пропозитив структураси эътибордан ташқарида қолади, деб тушунмаслик лозим. Мазкур пропозитив структурага гипотаксиснинг умумий маъно ифодасида асосий пропозитив структурага нисбатан қўшимча мавқега эга бўлади.

Пропозитив маъно номинатив маъно билан узвий боғлиқдир. Бу ҳақда фикр билдирилганда баъзи тадқиқот ишларида пропозиция гапнинг коммуникативлик, предикативлик, номинативлик аспектларига нисбатан инвариант вазифасида келиши қайд этилади. Шунга кўра, пропозиция семантик структура деб биламиз ва унинг ана шу мақоми номинация натижасини тақозо этади, деган хулосага кела оламиз²⁴.

Ана шулар асосида гипотактик қурилманинг, шу жумладан, тўсиқсизлик маъносидаги гипотаксис когнитив аспекти тавсифини беришда пропозиция, номинативлик каби ҳодисаларга ҳам мурожаат этишга тўғри келади. Мазкур ҳодисалар, бизнингча, гипотактик қурилмада ўз ифодасини топаётган тўсиқсизлик маъносининг умумлашган аксини ўзида мужассамлаштирувчи концепт тушунчаси билан узвий алоқадордир.

2-§. Гипотактик қурилма шаклланишида фрейм тушунчасининг ўрни.

Локутив, иллокутив ва перлокутив актлар тавсифи.

Айни пайтда асосий мақсад **фрейм** тушунчасининг гипотактик қурилма доирасида қай тарзда аҳамият касб этишини кўрсатиши ва изоҳлашдан иборат бўлганлиги учун галдаги эътиборимизни ана шу нарса тавсифига қаратамиз. Ш.Сафаров фрейм ҳақида қуйидагиларни таъкидлайди: “Ҳар бир инсон хотирасида маълум миқдордаги билимлар структураси

²⁴Қаранг: Турниёзов Н, Турниёзов Б, Турниёзова Ш.. Ўзбек тили деривацион синтаксиси.-Тошкент, 2011. ; Манаенко Г.Н. Предикация, предикативность и пропозиция в аспекте «информационного» осложнения предложения // Филологические науки, 2004, № 2.-С. 59

захираси сақланади ва айнан шу захира ахборотни қабул қилиб идрок этиш воситаси ролини ўйнайди. Бошқача айтганда, ҳар бир шахс онгида **“фреймлар тўри тўплами”** мавжудким, ушбу тўплам билим ва идрок фаолиятини маълум кўринишдаги “андоза”лар асосида амалга ошишини таъминлайди”²⁵.

В.Б.Касевичнинг эътироф этишига кўра, фрейм берилиши лозим бўлган муайян ахборотни (хабар ифодасини) тартибга солувчи структурани тақозо этади. Аслини олганда, тилимизнинг ўзи хабар ифодасини, ахборот бутунлигини таъминловчи энг кучли механизмни ташкил этади. Шунга кўра, тил системасини фреймлар тизимидан иборат деб тушуниш хато бўлмайди. Бу эса инсон онгида фреймлар тўри мавжудлигини кўрсатади²⁶.

Дарҳақиқат, онгимизда тажриба ва йиллар давомида ҳосил бўлган кўникмаларимизга асосланган тайёр ҳолдаги билимлар мавжуд бўлмас экан, берилаётган хабар ифодасини тартибга солиш қийин. Бу жараёнда фреймлардан энг кучли восита сифатида самарали фойдаланамиз.

Фрейм тушунчаси рус тилшунослигида М.Минскийнинг «Фреймы для представления знаний» деб таржима қилинган асари босмадан чиққандан кейин (1981 й) тадқиқот ишлари вужудга кела бошлади²⁷. Шундан сўнг, жаҳон тилшунослигида ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Фикр далилини 1985 йилда эълон қилинган Ч.Филморнинг салмоқли мақоласида кўришимиз мумкин²⁸. Бу масала тадқиқига бағишланган бошқа тилшуносларнинг ишлари ҳам бирин-кетин чоп этила бошлади. Аммо улар ичида М.Минскийнинг тадқиқоти катта нуфузга эга бўлди, зотан, у биринчилар қаторида **фрейм** тушунчасининг лингвистик моҳиятини асосли равишда изоҳлаб берган эди: «Отправным моментом для данной теории служит тот факт, что человек, пытаясь познать новую для себя ситуацию как по-новому

²⁵ Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик, 41-бет

²⁶ Қаранг: Косевич В.Б. Семантика, Синтаксис, Морфология.-М., 1988.-С. 20-21.

²⁷ Қаранг: М.Минский. Фреймы для представления знаний.-М., 1981.

²⁸ Қаранг: Fillmore G.J. Frames and the semantics of understanding// Quaderni di semantica. Vol.VI, №2. Desecber, 1985.-p. 222-254.

взглянуть на уже привычные вещи, выбирает из своей памяти некоторую структуру данных (образ), называемую нами **фреймом**»²⁹.

В.Б.Касевич фрейм тушунчасини изохлашда сўз ясалиши масаласига ҳам тўхталади ва ҳар бир янгидан ясалган сўзни луғат бойлигини бойитувчи фрейм тарзида келишини қайд этади³⁰

Шуни ҳам айтиш лозимки, **фрейм** тушунчасининг мазмуний салмоғида маъно муносабати пағонали бўлиши мумкинлигини кўрамиз. Буни М.Минский қуйидаги мисол орқали талқин этади: **хайвон-ит-колли-кличка Лесси**³¹. Бу ўринда агар **хайвон** сўзини асосий фрейм деб билладиган бўлсак, у ҳолда **ит, колли, Лесси** сўзлари **субфрейм** (тагфрейм)лар саналади. Ёки **хона** сўзи фрейм саналладиган бўлса, **эшик, дераза, девор** кабилар шу фреймга нисбатан тагфреймлар ҳисобланади.

Дарҳақиқат, тилимиз системасида мавжуд бўлган барча тушунча ифодаловчи воситалар ўз тури ва жинсига кўра турличадир. Мазкур турларнинг ҳар бирига мансуб тушунча доирасида поғоналилик ҳодисаси ҳам мавжудлигини кўрамиз³².

Амстердам университетининг профессори Т.А. ван Дейк **фрейм** ҳақида мулоҳаза билдирганида, уни онгимиздаги билимларнинг тасодифий ёхуд эркин бўлаги деб тушуниш нотўғри эканини таъкидлайди. Олимнинг қайд этишига кўра, фреймлар муайян концепт доирасида шаклланади. Бундан ташқари, фреймнинг **конвенционалшартли**харақтерли бўлиши ҳам кузатилади.³³ Айни пайтда фреймнинг муайян ситуацияда аҳамият касб этиши ва шу боис унинг функционал фаоллиги шартли бўлиши ҳам мумкинлиги назарда тутилмоқда.

²⁹ Минский М. Кўрсатилган асар, 7-бет.

³⁰ Қаранг: Касевич В.Б. Кўрсатилган асар, 21-бет.

³¹ Қаранг: Минский М. Кўрсатилган асар, 98-бет.

³² Қаранг: Турниёзова. Ш.Н, Турниёзов. Н, Турниёзов Б, Узбек тили деривацион синтаксиси.-Тошкент, 2011, 131-бет.

³³ Қаранг: Дейк ван А.Язык. Познание. Коммуникация, -М, 1989. –С. 16

Т.А.ван Дейк фрейм структураси қуйидагиларни бирлаштиришини таъкидлайди: а) ўрин; б) функция; с) хусусият; д) муносабат; е) позиция (ҳолат)³⁴

Ана шунинг ўзи ҳам фреймнинг вазифасига кўра фаоллиги шартли эканлигидан далолат беради. Зотан, ўрин, функция, позиция (ҳолат) тушунчалари шуни тақозо этади. Шунинг учун фрейм бир ўринда деривация оператори билан мазмуний муштарак бўлса, иккинчи бир ҳолатда бундай имконият доирасидан ташқарида бўлади. Масалан, макроматн – абзац материалида фрейм деривация операторига тўғри келса, микроматн гипотактик қурилма таркибида у оператор билан тўғри келмайди. Қуйида шарт , натижа ва пайт микроконцептлари доирасида деривацион фаоллик олган гипотактик қурилма сатҳида фреймни белгилаш ва унинг деривацион жараён билан муносабати ҳақида мулоҳаза юритамиз.

Юқорида эслатиб ўтилгани сингари, фрейм берилаётган хабар мазмунини тартибга солувчи восита сифатида фаолият кўрсатади. Бу жараёнда у турли хил морфологик категорияларга таалукли бўлган сўзлар замирида ифодаланиши мумкин:

1. *Агар орамизда муҳаббат бўлса , бир-биримизнинг оёғимизга олтин кишан бўлар эдик* (А.Қаҳҳор. Синчалак) .

2. *Қаландаров шундай бақирдики , Саида унғайсизланиб кетди* (А.Қаҳҳор. Синчалак) .

3. *Кўча эшик бўсағасида Оташ дукчи пайдо бўлган он , қизлар унинг авзойи бузуқлигини пайқаб , дарров уй-уйларига тарқалишиди* (Ойбек. Улуғ йўл).

Берилган ситуатив маъноли гипотактик қурилмаларнинг ҳар бири микроматн мақомида бўлиб, уларнинг учаласи ҳам икки компонентли

³⁴Қаранг: Ўшаасар, 26-27 бетлар

эканлигини кўрамиз. Биринчи ва учинчи гипотактик қурилмаларда мазкур компонентларнинг биринчилари тобе, иккинчилари эса ҳоким гапларни тақозо этмоқда. Иккинчи гипотаксисда эса биринчи гап тобе , иккинчи гап ҳокимдир. Шу боис, тобе ёки ҳоким эканлигидан қатъи назар, ҳар бир гап муайян фреймга таянган ҳолда шаклланганлиги кузатиш мумкин. Биринчи гапнинг тобе қисмида **муҳаббат** , ҳоким қисмида эса **олтин кишан** фреймлари фаоллик кўрсатиш мумкин. Бироқ гипотактик қурилманинг умумий структурасида **олтин кишан** бирикмаси фрейм мақомидадир, зотан, гипотаксис қисмларининг кейингиси якуний маънони ифода қилади. Аммо гипотаксиснинг умумий структурасида ҳоким гап компонентларидан бирининг асосий фрейм вазифасида келиши доимий эмас. Баъзи пайтларда тобе ва ҳоким гапларда фреймлар бир хил бўлиши, баъзан эса ҳар иккала қисм учун битта умумий фрейм фаоллик кўрсатиши ҳам мумкин. Бунинг далилини келтирилган гипотактик қурилмаларнинг иккинчи ва учинчиларида кўрамиз: иккинчи ва учинчи мисолларда берилган қурилманинг тобе ва ҳоким қисмларининг ҳар иккиси учун ҳам ягона фрейм фаоллик кўрсатаётганини кузатамиз. Бошқача айтганда , иккинчи гипотактик қурилма берилаётган хабар натижаси иккинчи , яъни тобе компонентда ифодаланаётгани учун бу ўринда **ўнғайсизлик** тушунчаси фрейм мақомида келиши мумкин. Айни пайтда гипотаксиснинг деривацион жараёни ягона фрейм қуршовида шаклланиши мумкин. Учинчи гипотактик қурилмада **Оташ дукчи** сўзи фрейм мақомида эканлигини кўрамиз.

Аммо юқоридагилар билан бир қаторда шуни ҳам айтиш керакки, гипотактик қурилманинг тобе ва ҳоким компонентлари сатҳида баъзан бир хил, баъзан эса ягона фреймлар қатнашишидан қатъи назар, ҳоким гапда фаоллик кўрсатаётган фрейм ўз мавқеига кўра алоҳида аҳамият касб этади, чунки гипотактик қурилмада тобе гап ўзи учун эмас , балки ҳоким гап учун, уни қайсидир маънода тўлдириш учун шаклланиши мумкин. Шу боис ҳоким гап таркибида белгиланаётган фрейм етакчи мавқеда бўлади: *Бу пок муҳаббат ва бўлғуси бахтли оиланинг яна бир қувончли томони шуки , икки қадирдон*

дўст: Тоштемир ака билан Дадавой аканинг томирлари бир-бирига боғланади(Ҳ.Ғулом. Тошкентликлар).

Гипотактик қурилманинг ҳоким гапида қувонч **сўзи**, тобе гапда эса **томирлар боғланиши** фрейм мақомида келмоқда. Бироқ гипотактик қурилманинг мазмуний салмоғи айти пайтда **қувонч** сўзи билан узвий боғланмоқда. Мазкур сўз **фрейм** мақомида келиб, гипотаксис семантик деривацияси **–ки** боғдовчисига тобе бўлганда, асосан, ҳоким гап олдин, кейин эса тобе гап келади. Бундай вазият, асосан, ситуатив гипотактик қурилмаларда кузатилади. Бошқача айтганда, ситуатив гипотактик қурилмада иккинчи гап таркибида келиб, фрейм вазифасини бажараётган сўз ёки бирикма гапнинг семантик марказини ташкил этади ва шу тарзда гипотаксиснинг умумий мазмуний салмоғида ҳам етакчи воситага айланади: *Эрталабдан офтоб чарақлаб, ерни эритиб юборган бўлса ҳам, тоғ бағирларида, чанғибоп қияликларда қор қумушдай ярқираб турарди* (А.Муҳтор. Чинор).

Айти пайтда иккинчи гап таркибида келаётган **қор** сўзи гипотактик қурилма шаклланишининг семантик марказини уюштириб фрейм мақомини олмоқда. Бу билан, албатта, тобе гап таркибида берилаётган фреймни инкор этиб бўлмайди. Айти пайтда **офтоб** сўзи ана шу вазифададир. Аммо шундай бўлса-да, у гипотаксис семантик структураси умумий салмоғининг марказини ташкил этолмайди. Бундай мақомдаги фреймни ёрдамчи фрейм деб аташ, бизнингча, мақсадга мувофиқ бўлади.

Таъкидлаш лозимки, фрейм гипотактик қурилма синтактик структурасини ташкил этаётган бевосита иштирокчилар (лексик компонентлар) таркибида қатнашмаслиги ҳам мумкин. Бундай вазиятда гапнинг ёҳуд гипотактик қурилма компонентларининг маъно бутунлиги онгимизда мавжуд бўлган фреймлар тўри аъзоларининг бирортаси орқали воқеланади. Албатта, айти пайтда онгимиздаги исталган бир фреймни эмас, балки берилаётган синтактик структура мазмуний салмоғига тўлиқ мос

келадигани танланади. Бу жараёнда тилимизнинг синергетик имконияти муҳим рол ўйнайди:

1. *Ориф ака ичкаридан болаларни кўрмаётган бўлса-да, уларнинг беҳос яқинлашиб қолганда бир-биридан аста нарироқ сурилиб ўтиришиганини, қарама-қарши, чала-чулпа гаплари ўзларига жуда ҳам маъқуллигини, ҳатто Онабибининг жажжжи кафтидан хом ёнгоқнинг ачимсиқроқ ҳиди келишигача билиб ётарди* (А.Муҳтор. Чинор)

2. *Бир куни шундай суҳбат вақтида бозорга чиқиб келиш масаласи қўзғалиб, танга билан чақа ҳақида сўз кетди*(С.Абдулла.Мавлона Муқимий).

Мисолларнинг биринчисида берилаётган тўсиқсизлик маъносидаги гипотактик қурилма синтактик шакли қанчалик кенг бўлмасин, айти пайтда гипотаксиснинг умумий мазмуний салмоғи асосланаётган фреймни ўзимиз тасаввур этишимизга тўғри келади. Бошқача айтганда, бу ўринда гипотаксис семантик структурасининг шаклланиши **сезгирлик** (ёхуд тасаввур) фреймига асосланмоқда. Зотан, гипотаксис семантик структураси воқеланишида Ориф аканинг сезгирлиги, болалар нима билан шуғулланаётганини тасаввур қилиши муҳим аҳамият касб этмоқда.

Берилган мисолларнинг иккинчисида эса мутлақо бошқача манзарани кузатамиз. Мазкур гипотаксиснинг умумий семантик структураси унинг иккинчи компоненти таркибида келаётган танга билан чақа сўзлари билан бевосита боғлиқ. Шу боис мазкур сўзларни фрейм деб белгилашимиз учун барча асосларга эгамиз. Олдинги мисолда эса гипотактик қурилманинг тўсиқсизлик микроконцепти Ориф аканинг сезгирлиги, тасаввури, зийраклиги билан бевосита боғлиқ экани изоҳ талаб қилмайди.

Кўринадики, гипотактик қурилма семантик жиҳатдан шаклланишининг марказида бўлган сўз ёки бирикма фрейм вазифасида келади ва у аксарият ҳолларда гипотаксиснинг муайян турини белгилашда ҳам асосий омил бўлиб

хизмат қилади. Фикримизнинг қўшимча далили учун яна иккита мисол келтирамиз:

1. ... *шу гўдакларнинг бошига бахт қуши қўнса, золимлар панжасида биз кўрган зулмларни балки булар кўришмасмиди?* (Ойбек.Улуғ йўл).

2. *Муҳаммад Амин зувала қилишган куни ноннинг бозори шундай ҳам чаққон бўладики, нафас ўтмай сават бўшайди*(С.Абдулла.Мавлона Муқимий).

Биринчи гипотактик қурилманинг семантик мазмуни марказида **золимлар панжаси** бирикмаси келмоқда.

Иккинчи гипотаксис мазмуний ифодаси **ноннинг бозори** сўзи билан боғлиқ бўлгани учун, мазкур сўз фрейм вазифасини ўтамоқда.

Ишимизнинг биринчи бобида гипотактик қурилмаларнинг когнитив-прагматик хусусиятлари ҳақида фикр билдирилганда нутқ актлари, жумладан, локутив, иллокутив ва перлокутив актлар хусусида дастлабки маълумотлар берилган эди. Бу ўринда эса мазкур актларнинг гипотаксис деривациясида тутган ўрни ҳақида сўз юритамиз.

Локутив акт гипотактик қурилманинг талаффузи билан боғлиқ бўлиб, у **фонетик, фатик** ва **ретик** актларни қамраб олади. Фонетик акт товушларнинг талаффузини, фатик акт сўзларнинг, гапларнинг фонологик ва синтактик қоидаларга кўра айтилишини, ретик акт эса мулоқат материалининг семантик жиҳатларини ўрганади. Бу жуда муҳимдир, зотан, гипотаксиснинг нутқда қўлланилиши бир пайтнинг ўзида фонетик, фатик ва ретик актларнинг ҳар учаласи билан ҳам бевосита боғлиқ бўлади. Фонетик акт нафақат гапнинг, балки гипотактик қурилманинг ҳам нутқий фаоллик олишида муҳим аҳамият касб этади. Фикр далилини гипотактик қурилмаларнинг компонентлари боғланишидаги интонациянинг аҳамиятида кузата оламиз. Бу ўринда

фонетик ва фатик актлар қўлланишига кўра қоришиб кетади: *Ўзи кўрмаса, болалари кўрар ёруғликни...* (Ойбек. Улуғ йўл).

Келтирилган тўсиқсизлик маъноли гипотактик қурилманинг биринчи компоненти гипотаксис деривациясининг оператори **-са** аффикси иштирокида шаклланган боис, алоҳида урғу билан айтилишидан ташқари, ўзидан сўнг оҳанг тинимини ҳам талаб қилмоқда. Ана шу қисқа тинимдан сўнг гипотаксиснинг иккинчи компоненти келиб, у ҳам алоҳида интонацион кўтаринкилик билан айтилмоқда. Чунки мазкур компонент ҳоким гапни тақозо этмоқда. Бу эса, ўз навбатида, локутив актнинг ретик акти гипотаксис деривациясида муҳим аҳамият касб этаётганидан далолат бермоқда. Рус тилшуноси Б.С. Кондинский матннинг фонетик таҳлили ҳақида мулоҳаза юритганида **фонетик абзац** тушунчасини истёъмолга киритади. Бунда муайян интонация воситаси билан боғлиқ бўлган матн компонентларининг эмоционал бўёқдорлиги ва уларнинг бир-бирларидан пауза орқали ажратилиши назарда тутилади.³⁵ Дарҳақиқат, интонация ва пауза таъсирида бир-биридан ажратиладиган матн компонентларининг ҳар биридан кейин Б.С. Кондинский фонетик абзац деб атаётган пауза аҳамият касб этади. Ана шу тартибда бир паузадан кейин иккинчи пауза оралиғида келган гап ёхуд мураккаб синтактик қурилмалар фонетик абзац билан ажратилади.

Л.Р. Зиндер матн, мураккаб синтактик қурилма (гипотактик қурилма ҳам шу жумладан) ларнинг фонетик жиҳатдан ҳам ўрганилиши зарур эканлигини алоҳида таъкидлайди ва фонетик муаммолардан ҳоли бўлган матн мавжуд эмас, деган хулосага келади. Л.Р. Зиндер матннинг фонетик таҳлилида **интонология** терминини истёъмолга киритади³⁶ Олимнинг қайд этишига кўра, оғзаки матннинг фонетик-

³⁵Қаранг: Кондинский Б.С. Текст как интонационная структура // Автореф.канд.дис. – М., 1968. – С

³⁶Қаранг: Зиндер Л.Р. Лингвистика текста и фонология // Тезисы докл. Научной конференции “Просодия текста” – М., 1982. – С.21-22.

фонологик жиҳатларини ўрганишга жиддий эътибор бермоқ лозим, зеро, ҳозирги кунда илмий асосланиб бўлган янги соҳа – интонологиянинг асосий мақсади ва вазифаси айнан ана ша нарсани тадқиқ эътишдан иборатдир. Интонология воситасида нафақат матннинг (гипотаксиснинг) оҳанг бутунлигини, балки унинг компонентлари ўртасидаги боғланишни ҳам тартибга солиш кўзда тутилади.

Мулоқот актлари ичида иллокутив акт ғоят муҳим аҳамият касб этади, зотан, у нафақат гипотактик қурилма таркибий қисмларида ўз ифодасини топаётган пропозицияларнинг ўзаро боғланишини, балки, коммуникатив жараённинг шаклланиши мақсадини ҳам назарда тутди. Деривацион нуқтаи назардан бу жуда муҳимдир. Чунки гипотаксис таркибий қисмларининг ҳар бири синтактик деривациянинг алоҳида операндлари саналади. Операндлар муносабати, албатта, ҳосила структура шаклланиши учун хизмат қилади. Иллокутив акт, бир сўз билан айтганда, ниманидир талаффуз қилганимизда унинг замирида шаклланади³⁷. Бошқача айтганда, иллокутив акт локутив акт вужудга келиши билан бир пайтнинг ўзида вужудга келади: *Хотин киши раҳбарлик қилса, калавамнинг учини йўқотиб қўяман* (А.Қаҳҳор. Синчалак).

Келтирилган мисолда гипотактик қурилманинг синтактик деривацияси оператори - **са** аффиксидир. Айни пайтда деривация оперантлари мақомида тобе ва ҳоким гаплар келмоқда. Мазкур гапларнинг ҳар бирида алоҳида пропозициялар мавжуд бўлса ҳам, бу ўринда ҳоким гапда шаклланган пропозиция етакчи рол ўйнамоқда. Чунки гипотактик қурилманинг иллокутив кучи, асосан, ана шу гапда ўз ифодасини топмоқда. Бундан ташқари, сўзловчининг асосий мақсади ҳам ана шу гапда кўзга ташланаётганини кўрамиз.

Иллокутив актда гипотактик қурилманинг прагматик воситалар қуршовида келаётганини тўлиқ ҳис этамиз. Чунки гипотаксис мулоқот

³⁷ Қаранг: Пугачева О.В. Реговой акт как трёх урвневой единство // Электронный журнал “Исследовано в России” [http://Zhurnal. ape.relarn.ru/articles](http://Zhurnal.ape.relarn.ru/articles) (2007) 112.pdf.

(коммуникатив) жараёнига сўзловчи орқали чиқаётганидан ташқари, сўзловчи тил бирликларига ҳам нутқ бирликларига ҳам муносабат билдирмоқда. Бундан ҳам муҳимроғи, тил ва нутқ, бирликлари бир-бирларига муносабат билдирмоқда. Бунинг далили сифатида гипотаксис таркибий қисмларида шаклланган пропозицияларнинг ўзаро боғланишини кўрсатиш мумкин: *Хотин раҳбарлик қилмоқ + калава учини йўқотмоқ*.

Айни пайтда пропозиция сематик структурани ташкил этиб, унинг шаклланиши ҳар икки ҳолатда ҳам предикат ва аргументлар муносабатига асосланмоқда.

Иллокутив акт гипотактик қурилманинг коммуникатив жараёнга чиқишини таъминловчи восита сифатида ҳар доим тил ва нутқ бирликларининг синергетик кучини рўёбга чиқарувчи омил ҳам ҳисобланади.

Иллокутив акт, албатта, тингловчини ҳам ўз таъсир доирасига олади. Чунки ҳар қандаё нутқ бирлиги коммуникатив жараёнга чиқар экан, у кимгадир қаратилган бўлади. Бу эса, ўз навбатида, перлокутив актнинг вужудга келиши учун замин тайёрлайди. Энди ҳар учала актнинг бир-бирлари билан муносабатга киришуви учун имконият яратилади.

Шуниҳамайтишкераккитилфақатэнергияёхутҳаракатбўлибқолмасдан, тингловчигатаъсирэтувчивоситаҳамҳисобланади. Буэса, ўзнавбатида, нутқжараёнидаперлокутивактнингмуҳимаҳамияткасбэтишдандалолатберади. Перлокутивактиллокутивактнингтаъсиркучинатижасидавужудгакелади, чункисўзловчитилнимуомилагасоларэкан, бирпайтнингўзидатингловчинихамунгамуносабатбилдиришгаундайди. БухақдамулоҳазабилдирганидаСтивенДэвисперлакутивактбошқаактлардансўзловчинингўзмақсадинималгаоширишдакўзланганнатижагаэришишининазар датутишибиланфарққилишинитаъкидлаганэди.

Бироқ мазкур натижага тингловчи иллокутив актнинг таъсири кучини тўлиқанглама нидагина эришиш мумкин³⁸.

Э. Гунинг фикрига кўра, перлокутив актнинг исталга натижани бериши иллокутив актда янги хабар ифодасининг берилишига боғлиқ бўлади³⁹. Бизнингча, мазкур фикр билан тўлиқ қўшилиш қийин кўринади. Чунки сўзловчи нутқ жараёнида ҳар доим ҳам янги хабар ифодасини бера олмайди. Кўп пайтларда сўзловчи тингловчига ниманидир эслатиши мумкин. Бундай вазиятда, албатта, янги хабар назарда тутилмайди: *Бундан бир неча йил олдин тунда шеър ёзиб ўтириб, сенинг сарғайган юзингга кўзим тушган эди* (С. Абдулла. Мавлоно Муқимий.)

Кўринадики, берилган гипотактик қурилмада берилаётган хабарнинг иллокутив кучи ўтган замонда содир бўлган ва тингловчига олдиндан маълум бўлган воқеа билан боғланмоқда. Бироқ бу билан иллокутив куч тингловчида перлокутив акт пайдо бўлишига таъсир этмаяпти, деган хулосага келиш қийин. Чунки иллокутив акт ҳар доим тингловчига қаратилган бўлади ва унда турлича даражадаги, масалан, кучли, кучсиз, ўртача, перлокутив кучни уйғотади.

Шундай қилиб, нутқнинг локутив, иллокутив ва перлокутив актлари гипотактик қурилма мақомидаги микроматн синтактик деривациясида муҳим когнитив-прагматик воситалар эканлигини кўраемиз.

3-§. Микроматн ва унинг когнитив модели.

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, анъанага кўра биз бугунги кунгача қўшма гап деб номлаб келаётган синтактик қурилмалар мазмуний жиҳатдан ҳам, синтактик тузилиши жиҳатидан ҳам гапдан катта бирликни тақозо этади. Буни қўшма гап компонентларининг иерархик муносабатида кузата оламиз.

³⁸Қаранг : Davis Steven. Speech acts, performance and competence. Journal of Pragmatics, Nordik – Hoffand Publishing Company, 1979, № 3, P. 491-505.

³⁹Қаранг : Gy, Yuneogo. The impact of perlocution, Journal of Pragmatics, 1993, № 20, p. 405-432.

Масала тавсифига анна шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, «қўшма гап» тушунчасининг қўлланиши мутлақо изоҳталаб эканлигини кўрамиз. Бу хусусда ишимизнинг биринчи бобида қисман фикр билдирилган эди⁴⁰.

«Қўшма гап» терминидан биринчилардан бўлиб Москва университетининг профессори М.Н.Петерсон воз кечган эди. Олим бундай хулосага ҳали ўтган асрнинг 20 – йилларида келган эди. Бироқ шундай бўлишига қарамай, тилшуносларимиз мазкур масалага жиддий эътибор бермадилар ва бунинг натижасида бугунги кунгача «қўшма гап» термини қўлланилиб келмоқда. Аммо айти пайтда нутқ бирликларининг иерархик қонуният нутқнинг кичик бирликлари каттасининг ичига кириб фаоллашуви асосланади. Шундай бўлгач, гап гапнинг ичида фаоллашуви ҳақида сўз юритиш қийин, албатта. Қўшма гап деганимизда эса, гапнинг гап ичида фаоллик олиши назарда тутилади. Шу боис А.М.Пешковский «қўшма гап» термини ўрғина «мураккаб бутунлик» (сложное целое) терминини тавсия этган эди⁴¹.

Ўзбек тилшунослигида мазкур масала Б.Турниёзовнинг тадқиқотларида изланишлар кун тартибга қўйилди ва «қўшма гап» ўрнига «мураккаб синтактик қурилма» термини истеъмолга киритилдики, бу билан биз тўлиқ қўшиламыз. Чунки мураккаб синтактик қурилма тушунчаси **микроматн** тушунчаси билан муштарак маънога эгадир⁴². Ана шунга асосланган ҳолда, биз мазкур ишимизда гипотактик қурилмаларни микроматн мақомида ўрганмоқдамиз. Бошқача айтганда, бундай қурилмалар гапдан катта бирликни тақозо этгани учун макро структура мақомидадир.

Амстердам университетининг профессори Тойн ванн Дейк бу ўринда **дискурс** тушунчасидан фойдаланади ва **локал** ҳамда **глобал** терминларини

⁴⁰Қаранг: Петерсон М.Н. Очерк синтаксиса русского языка. Пг., 1923.

⁴¹Қаранг: Пешковский А.М. Русский синтаксис в научном освещении. – 7-е изд. 1956.

⁴²Қаранг: Турниёзов Б. Ҳозирги ўзбек тилида тенг компонентли мураккаб синтактик қурилмалар деривацияси.- Самарқанд, 2008, 63-бет.

истеъмолга киритади. Мазкур тушунчалар дискурс компонентлари ўртасидаги боғланишни назарда тутати. Локал боғланиш деганда, дискурс компонентларининг пропозициялари ўртасидаги боғланиш эътибор марказида бўлса, глобал боғланиш компонентлар ўртасидаги боғланишни эмас, балки дискурснинг, шу жумладан, катта ҳажмдаги дискурснинг фрагментлари ўртасидаги боғланишни назарда тутати⁴³. Бизнинг тадқиқотимиздан глобал боғланиш матн таркибидаги гипотактик қурилмалар ўртасидаги ёхуд муайян гипотаксиснинг трансформалари ўртасидаги боғланишни англатади. Локал боғланиш деганда эса гипотактик қурилма компонентлари ўртасидаги боғланишни тушунамиз: *Болалар мактаб биноси ичига гур-гур кириб кетишгач, Рисотал холла билан Камолова икковлари қолдилар* (Х.Ғулом. Қора дарё).

Берилган гипотактик қурилма микроматн мақомида бўлиб, у икки компонентдан ташкил топаётганини кузатамиз. Айни пайтда ҳар бир компонент алоҳида пропозицияларга асосланмоқда: *Болалар мактаб биноси ичи+кириб кетмоқ; Рисотал холла, Камолова+қолмоқ*.

Мазкур пропозициялар ўртасидаги семантик боғланиш локал муносабат мақомидадир. Бу ўринда глобал боғланишни гипотактик қурилма катта дискурс ичида бошқа гипотаксислар билан муносабатда тасаввур этамиз.

Т.ванДейкнинг таъкидлашига ташкил этувчи мазмуний бутунликни ҳам таъкидлатади⁴⁴. Агар масала тавсифига шу асосда ёндошсак, гипотактик қурилма глобал структурани тақозо этади.

Шу нарса ҳарактерлики, глобал структура макрохарактерда бўлгани учун, у камида икки пропозициянинг муносабатидан ташкил топиши тасаввур этиладиган **макропропозицияга** асосланади. Н.Сулейманова таъкидлашига кўра, муайян бир гап доирасида шаклланган пропозиция

⁴³Қаранг: Дейк Т.А. ванн. язык. Познание. Коммуникация.- М.,1989.-с.41.

⁴⁴Қаранг: Ўша асар, ўша бет.

тушунчаси реал ифодали бўлади. Бироқ макро структура қолипидаги макропропозиция тушунчаси абстракт ифодалидир⁴⁵. Буни, яъни макропропозициянинг абстракт мақомини мураккаб синтактик қурилмалар ёки абзацда кўришимиз мумкин бўлган полипредикативлик ёки устпредикативлик ҳодисаларига қиёс қилса бўлади. Чунки алоҳида гапларда ўз ифодасини топаётган предикативлик ҳодисаси матннинг умумий структураси билан боғлиқ бўлган устпредикативлик ҳодисасини шакллантиради⁴⁶.

Мураккаб синтактик қурилмада (гипотаксис) макропропозицияни тасаввур этиш анча мураккаб кечади. Чунки гипотактик қурилма аксарият ҳолларда икки компонентли бўлади. Мазкур компонентларнинг бири тобе, иккинчиси эса ҳоким бўлгани боис айти пайтда ҳоким гапнинг пропозицияси устувор аҳамият касб этиши боис, у гипотаксиснинг симантик марказини ташкил этади. Бундай вазият, албатта , тобе гапнинг пропозициясини мазмуний жиҳатдан бирмунча кучсизлантиради. Аммо бу билан макропропозиция тушунчасини инкор этиб бўлмайди.

Макропропозициягипотактикқурилманингасосийтемантикбелгиларида нбирибўлибқолаверади:

*Меҳрибонбувимухаммаснишундаймайинқироатваилиқоҳангбиланўқидики,
тингловчилархаёлидагўзалииқвачинвафотарихижонланди(Ҳ.Ғулом.
Тошкентликлар) .*

Келтирилган гипотаксис қурилманинг матн мақомида (микроматн) эканлиги изоҳ талаб қилмайди. Шунинг учун уни мураккаб синтактик қурилма тарзида белгилай оламиз. Бу жуда муҳимдир, чунки ҳар қандай синтактик қурилма дискурс тушунчаси доирасида бўлари.

⁴⁵Қаранг: Сулейманова. Н. Гапнинг номинатив аспекти ва синтактик структуралар// Буюк ипак йўлида умуминсоний ва миллий қадриятлар: тил, таълим ва маданият. Халқаро конференция материаллари.-Самарқанд-Шанхай, 2015, 203-бет.

⁴⁶Қаранг: ХайруллаевХ.З. Сўз, сўзбирикмасивагапнингпредикативликкамуносабати// Номзод. Дис.автореф.-Тошкент, 2001, 20-бет.

Айни пайтда гипотактик қурилманинг ҳоким гапидан пропозитив структурани қуйидагича белгилаш мумкин: *(Меҳрибон буви)муҳаммас+майин қироат+илиқ оҳанг+билан ўқимоқ*. Тобе гапда эса пропозиция қуйидагича кўринишдадир: *(тингловчилар) хаёл+ғўзал ишқ+чин вафо+тарих+жонланмоқ*. Ҳар икала ҳолатда ҳам пропозитив структура предикат билан унинг аргументлари ўртасидаги ҳам синтактик, ҳам синтактик муносабат доирасида шаклланмоқда. Пропозициялар ўртасидаги муносабат натижасида вужудга келган макропропозицияни айни пайтда фақан тасаввур этишимиз мумкин. Чунки макропропозициянинг вербал ифодасини бериш қийин. Бошқача айтганда, бу ўринда ҳар икки гапнинг пропозициялар муносабати ва бу орқали вужудга келадиган макропропозиция, асосан, сўзловчининг оҳангида тасаввур этилади.

Берилган гипотаксис қурилма **натижа** (ситуатив маъноли) концепти асосида шаклланиб, ҳар бир гапда яна микроконцеплар ҳам борлигини кўрамиз. Биринчи гапда *майин қироат ва илиқ оҳанг*, иккинчи гапда эса *ғўзал ишқ ва чин вафо* бирикмалари бир пайтнинг ўзида ҳам концепт, ҳам фрейм вазифаларини бажармоқда.

Шуни ҳам айтиш лозимки, микромаънанинг когнитив модели, асосан, фрейм тушунчасига асосланади. Микромаънанинг ҳар бир гапида ўзига хос фрейм белгиланади. Бу эса, ўз навбатида, шу гапларнинг хусусий моделларини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Ҳоким гапдаги фрейм воситасида эса умумий модел вужудга келади.

Т. ван Дейкнинг тадқиқотларида ана шу тарздаги моделлар ҳақида сўз юритилади. Унга кўра, хусусият (партисулар) ва умумий (генерал) моделлар мавжудлиги ва уларнинг бир-биридан фарқланиши таъкидланади.

Хусусий модел гапнинг ортида турувчи ситуация ҳақида уникал хабар ифодасини беради, умумий модел эса бирдан эортиқ хусусий моделлар воситасида берилаётган хабар ифодасини тақозо этади. Бу ўринда ҳам

берилаётган гаплар ортида турувчи ситуасиялар муҳим аҳамият касб этади.⁴⁷ Хусусий моделларда янги хабар (нисбий янги бўлиши ҳам мумкин) ифодасини кўрамиз. Умумий моделда эса берилаётган хабар ифодаси бирмунча абстракт кўриниш олади. Айни пайтда фрейм тушунчаси ҳам умумийлик касб этади: *Меҳрибон буви шаҳар четида, Қичқирқ бўйидаги шу даласида турса ҳам, унинг таърифи Бешёғоч даҳасидаги, айниқса, Арпапоядаги аёллар тилидан тушмайди* (Х.Ғулом. Тошкентликлар)

Берилган мисолдаги икки компонентли гипотактик курилма шаклланган бўлиб, унинг когнитив модели ана шу компонентлар доирасида вужудга келмоқда. Алоҳида компонентларни ташкил этаётган ҳар бир гап ортида ўзига хос ситуатсия мавжудлигини кўрамиз. Бу эса хусусий моделлар шаклланишига олиб келмоқда.

Хусусий моделлар муносабатидан эса умумий модел воқеланмоқда. Биринчи гапда Қичқирқ бўйи бирикмаси, иккинчи гапда эса Бешёғоч ва Арпапоя сўзлари фрейм мақомида келмоқда. Бироқ иккинчи гап ҳоким мавқеида бўлгани учун унинг таркибидаги фрейм умумий моделнинг вужудга келиши учун асос вазифасини бажармоқда.

Т. ван Дейкнинг фикрига кўра, хусусий модел муайян бир вазият ифодасини беради, умумий модел эса хусусий моделларда ифодаланаётган хабарларни умумлаштиради. Хусусий моделлар конкрет фрейм асосида ва унга мос сценарий андозасида шаклланади. Умумий моделда эса хусусий моделлар асосланаётган алоҳида фреймлар умумийлик касб этиб, умумий фреймни вужудга келтиради⁴⁸ Айни пайтда хусусий моделлар асосланаётган тағфрейм (субфрейм) мақомаини олади

Ван Дейк хусусий ва умумий моделлар шаклланиши жараёнида баъзи ўзгаришлар бўлиши мумкинлигини ҳам эслатиб ўтади. Аниқроғи, микроматн шаклланиши жараёнида унинг компонентлари таркибидан баъзи сўзлар тушиб қолиши мумкинлиги, баъзан эса улар бошқалари билан

⁴⁷Қаранг: Дейк Т.А. ванн. Кўрсатилган асар, 164-165-бетлар.

⁴⁸Қаранг: Дейк Т.А. ванн. Ўша асар, ўша бетлар.

алмаштирилиши мумкинлиги қайд этилади. Бундай вазиятни олим қуйидаги уч хил ном билан атади: **1. Тушириб қолдириш. 2. Селектасия. 3. Умумлаштириш**⁴⁹. Олим мазкур тушунчаларни хусусий моделлар (яъни мустақил гаплар) воситасида изоҳлайди.

1. Тушириб қолдириш: *Ёнимиздан сариқ қўйлакли қиз ўтиб кетди - Ёнимиздан бир қиз ўтиб кетди - У қўйлакда эди – Қўйлак сариқ эди.*
2. Селектасия: *Петр машинасига қараб чопди - У машинага ўтирди - У Франкфуртга жўнади - Петр Франкфуртга машинада жўнади.*
3. Умумлаштириш: *Қўғирчоқ полда ётарди - Ёғочдан шиланган-темир йўл полда ётарди – Кубиклар полда ётарди – Ўйинчоқлар полда ётарди*⁵⁰.

Тушириб қолдириш ҳодисаси тил бирликларининг нутққа кўчирилиши жараёнида , жумладан, гипотактик қурилма шаклланишида (деривасиясида) ҳам кузатилади. Фикрдалилиучунқуйидагимисолларга эътиборқаратайлик:

1. *Бир қизларки, ҳар бири бир перизод дейсиз* (Ойбек. Улуғйўл)
2. *Кун совуқ, лекин бозор қайнайди.* (Ойбек. Улуғйўл)
3. *Ишончбилдираманки, бусшарт-шароитлармалолкелмас*(С.Абдулла. МавлонаМуқимий)

Берилганбиринчимисолдагипотактик қурилманинголдинги компонентиданбаъзисўзлартуширилганиникузатамиз, зотан, уқуйидагичабўлишилозим эди: *Уларшундай қизларки,* Иккинчи мисолда ҳам гипотактик қурилманинг биринчи компонентидан сўзлар туширилган: *Кунсовуқбўлишигақарамай, бозорқайнайди.*

Учинчи гипотаксис тобе қисмидан ҳам айрим сўзлар туширилган: *Менишунгаишончбилдираоламанки,...*

Кўринадики, ҳар учала ҳолатда ҳам хусусий моделлар таркибидан баъзи сўзлар туширилмоқда. Бироқ бундай ўзгаришлар гипотактик қурилманин

⁴⁹ Қаранг: Турниёзов.Н. Матн шаклланишининг когнитив – прагматик омиллари//Буюк ипак йўлида умуминсоний ва миллий қадриятлар: тил, таълим ва маданият. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. – Самарқанд – Шанхай, 2015, 17-бет.

⁵⁰Қаранг: Филиппов К.А. Лингвистика текста. – Санкт – Петербург, 2003, 4-бет.

умумий когнитив моделлари семантик салмоғига таъсир этмаслиги лозим. Анашундагина хусусий моделлар ҳам, умумий моделлар ҳам ўз кучида қолади.

Бизнингча юқорида эслатиб ўтилган тушириб қолдириш, селектасия, умумлаштириш ҳодисалари тил бирликлари нинг синергетик кучи билан беvosит алоқланади.

Синергетика таъсир доимий равишда микро структуралар дериватциясида ҳам, макро струкура дериватциясида ҳам кўзгаташланади.

Қисқача хулоса

1. Тилшунослик фани тараққиётининг бугунги давригача тилнинг ҳар бир сатҳи муаммолари атрофлича ёритилди. Хусусан, тил системаси ва унинг бирликлари лингвистик табиатини ўрганиш масаласи мукаммал ўрганилди. Бугунги кунда тил бирликлари нинг нутқда қўлланиши масаласи тадқиқига ҳам жиддий эътибор берилмоқда. Бироқ шундай бўлишига қарамай, тилшуносларимиз тил системаси мавжудлиги инсон омили билан боғлиқлигини ва унинг тараққиётига инсоннинг таъсири катта эканлиги масаласига етарлича эътибор қаратмадилар. Шу боис ҳозирги тилшуносликда когнитив-прагматик муаммолар тадқиқига катта аҳамият берилмоқда.

2. Когнитив тилшунослик асл моҳиятига кўра инсоннинг тафаккури, онгида мавжуд билимлар ва уларнинг амалда қўлланишини ўрганувчи фандир. Ана шу хусусият билан у муҳим аҳамият касб этади. Бирок когниталогияни мутлақо янги йўналиш деб билмаслигимиз лозим, чунки фалсафада билиш назарияси кўп даврлардан буён алоҳида бир категория сифатида ўрганилиб келинмоқда. Аммо янгилик шундаки, когнитив муаммолар тилшуносликда эндиgina ўрганила бошлади.

3. Когнитив тилшунослик прагматик муаммоларни ҳам қамраб олади, зотан, бунда ҳам инсон омили етакчи мавқега эга. Бундан ташқари, прагматик воситалар жумласига коммуникатив муҳит ва макон кабиларнинг ҳам кириши масала нуфузини янада оширади.

4. Тил материалининг таҳлили жараёнида когнитив категорияларнинг барчасига бир йўла мурожаат этиб бўлмайди. Ҳар бир конкрет тадқиқот учун уларнинг кераклиларидан фойдаланамиз. Шу боис бу ўринда биз **концепт ва фрейм** тушунчаларига мурожаат этмоқдамиз. Прагматик воситалардан эса, асосан, инсон омили ва нутқ муҳити ва улар билан бевосита боғлиқ бўлган локутив, иллюкутив ҳамда перлокутив актларга эътибор қаратамиз.

5. Инсон онгида мужассам бўлган билимлар мудом фрагментар ҳолатда қўлланилгани каби, бу билан узвий боғлиқ бўлган тил системаси бирликларининг нутққа кўчирилиши ҳам шу тарзда амалга ошади ва ана шу жараёнда турли хил синтактик қурилмалар, шу жумладан, гипотактик қурилмалар ҳам шаклланади. Бу жараёнда инсон омили билан тилнинг синергетик хусусияти узвий боғланади.

6. Тилнинг нутққа кўчирилиши жараёнида ҳосил бўлган синтактик қурилмалар муайян хабар ифодасини берар экан, бунда, албатта, воқеликка муносабат билдирилади. Жумладан, гипотактик қурилмалар ҳам полипредикатив ва бир пайтнинг ўзида устпредикатив структура сифатида воқеликка муносабат билдиради.

7. Гипотактик курилманинг когнитив хусусиятини ўрганишда пропозиция, номинативлик ҳодисаларига ҳам мурожаат этиш мақсадга мувофиқдир, зотан, мазкур ҳодисалар гипотактик курилмада ўз ифодасини топаётган мазмуний ифоданинг умумлашган аксини ўзида мужассамлаштирувчи концепт билан узвий алоқадордир.

8. Гипотактик курилма камида икки компонентли бўлгани учун бунда микроконцепт тушунчаси ҳам аҳамият касб этади.

9. Гипотактик курилманинг синтактик шаклланиши ҳам, бошқа синтактик структуралар каби, сўзловчининг ўзига хос услуби ва унинг синтактик структурани танлаши билан боғлиқдир. Сўзловчи онгида мавжуд бўлган билимлар бу жараёнда тил системаси воситасида нутққа кўчирилади. Бунинг учун сўзловчи ҳар бир коммуникатив муҳитнинг ўзига хос бирликларини танлаш имкониятидан фойдаланади. Бу жараёнда, таъбир жоиз бўлса, унинг онгида тайёр ҳолда бўлган билимлар тўри компонентлари ўз вербал ифодасини олади, бошқача айтганда фреймлар фаоллашади.

10. Фрейм берилиши лозим бўлган муайян ахборотни (хабар ифодасини) тартибга солувчи структурани тақозо этади. Аслини олганда, тилимизнинг ўзи хабар ифодасини, ахборот бутунлигини таъминловчи энг кучли механизмдир. Шунга кўра тил системасини фреймлар тизимидан иборат деб тушуниш хато бўлмайди (В.Б.Касевич).

11. **Фрейм** тушунчаси ўз мазмуний салмоғида поғонали бўлиши ҳам мумкин. Бошқача айтганда, муайян фреймга нисбатан унинг ички структураси тақозо этишига кўра тагфреймлар (субфреймлар) бўлиши ҳам кузатилади.

12. Фреймлар онгимиздаги билимларнинг тасодифий ёки эркин бўлаклари эмас, балки муайян концепт доирасида шаклланган парчасидир (ван Дейк). Бундан ташқари, фрейм конвенционал характерли бўлади.

13. Гипотактик қурилма компонентларининг ҳар бири муайян фреймга асосланади. Аммо гипотаксиснинг умумий структурасининг макроструктуранинг тартибга солиниши аксарият ҳолларда ҳоким гап доирасида фаоллик кўрсатувчи фреймга таянади.

14. Баъзи ҳолларда гипотаксиснинг ҳар икки компоненти ҳам бир хил ифодаланган фреймга асосланиши ҳам мумкин. Лекин бундан қатъи назар, гипотаксиснинг, ҳоким бўлаги таркибидаги фрейм етакчи саналади.

15. Гипотаксиснинг умумий структураси орқали берилаётган хабар ифодасининг тартибга солиниши алоҳида семантик вазифа бажарувчи фрейм билан боғлиқ бўлади. Бошқача айтганда, иккинчи гап сатҳида фаоллик кўрсатаётган фрейм гипотактик қурилманинг семантик марказини ташкил этади. Бироқ фрейм гипотактик қурилма сатҳида қатнашмаслиги ҳам мумкин. Бундай вазиятда онгимизда мавжуд бўлган фреймларнинг берилаётган хабар ифодасига мос келадигани ўз-ўзидан тасаввур этилади. Бу тахлит фрейм гипотактик қурилмада қатнашаётган бевосита иштирокчи компонентлар семантик дистрибуциясига тўсиқсиз кира олади, зотан, бу жараёнда тилнинг синергетик имкониятлари муҳим аҳамият касб этади.

16. Гипотактик қурилманинг синтактик деривациясини ўрганишда **пропозиция** тушунчасига жиддий эътибор қаратиш лозим бўлади. Чунки гипотаксиснинг ҳар бир компоненти муайян пропозиция асосида шаклланади. Гипотактик қурилма икки ва ундан ортиқ компонентлардан ташкил топиши боис, унинг таркибида бирдан ортиқ пропозиция кузатилади. Бироқ гипотаксис макроструктурани тақозо этгани сабабли айни пайтда пропозициялар ҳам умумлашади. Бу эса, ўз набатида, **макропропозиция** тушунчасининг тадқиқотлар кун тартибига киришини талаб қилади. Алоҳида олинган ва ягона пропозицияга асосланган гипотаксис компоненти унсурлари локал боғланишли бўлса, макропропозицияга таянувчи гипотаксиснинг умумий структурасида глобал боғланиш аҳамият касб этади.

17. Макропропозиция тушунчаси абстракт характерли бўлади ва у гипотактик курилманинг (микроматннинг) доимий характерли семантик белгиси бўлиб қолаверади.

18. Гипотактик мақомдаги микроматннинг когнитив модели икки тушунчага асосланади. Уларнинг бири хусусий модел, иккинчиси умумий модел деб юритилади. Хусусий модел гипотаксис компонентларининг ҳар бири учун характерлидир. Хусусий модел ҳоким ва тобе гапларнинг ҳар бирининг ортида турувчи ситуацияга асосланади. Умумий модел эса бир йўла ҳоким ва тобе гапларнинг ҳар иккисига ҳам тааллуқли бўлган умумий ситуацияга таянади.

19. Хусусий моделлар конкрет фреймлар ва уларга мос сценариялар андозасида шаклланади. Умумий моделда эса хусусий моделлар асосланаётган алоҳида фреймлар умумийлик касб этиб, умумий фреймни вужудга келтиради ва бу орқали тагфрейм тушунчаси истеъмолга киритилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Соссюр Ф.де. Труды по языкознанию. -М.,1977.-С.143
2. Соссюр Ф.де. Ўша асар, 138-бет; Смирницкий А.И. Лексикология английского языка. –М., 1956. -С.228
3. Фридман А.Г. Грамматические проблемы лингвистики текста. –Ростов н/Д, 1984. –С. 30-32; Турниёзов Н. Тил ва нутқ бирликлари ҳақида баъзи мулоҳазалар// Хорижий филология, 2006, Н.,1; Хайруллаев Х. Нутқ бирликларининг поғонали муносабати. – Самарқанд, 2008, 3-18-бетлар.
4. Э.Бенвенист. Кўрсатилган асар, 133-139-бетлар.
5. Э.Бенвенист. Ўша асар, 134-бет.

6. Турниёзов Н. Сўз бирикмаси ва гап бўлаклари ҳақида баъзи мулоҳазалар // Роман –герман тилшунослигининг долзарб муаммолари. – Тошкент, 2009, 15-бет.
7. Хайруллаев Х. Нутқ бирликларининг пағонали муносабати. –Самарқанд, 8-бет.
8. Всеволодова М.Б. Словосочетание как объект функционально – коммуникативной грамматики (к постановке проблемы)// Материалы Международного конгресса «Русский язык: исторические судьбы и современность» -М., 2001.
9. Руднев А.Г. Синтаксис современного русского языка.-М., 1968.-С.223.
10. Бернхарди А.Ф. Анфонгагрүнде дер Шпрачwissен счафт.-Берлин, 1805.
11. Абдурахмонов Ғ.А. Қўшма гап синтаксиси. Тошкент, 1961, 9-бет.
12. .Абдурахмонов Ғ.А. Ўзбек тили грамматикаси. Тошкент, 1996, 185-бет
13. Асқарова М. Қўшма гап // Ҳозирги ўзбек адабий тили.-Тошкент, 1987, 173-бет.
14. Абдурахмонов.Ғ. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 1979, 134-бет.
15. Ўзбек тили грамматикаси. Синтаксис.-Тошкент, 1976, 355 бет.
16. Сайфуллаева Р.Р. Кўрсатилган асар. 56-бет.
17. Маҳмудов Н. Эргаш гапли қўшма гапларда шакл ва мазмун // Ўзбек тилининг назарий грамматикаси.-Тошкент, 1995, 157-бет
18. Маҳмудов Н. Эргаш гапли қўшма гап // Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. - Тошкент, 1992, 212-бет.
19. Раҳматуллаев. Ҳозирги адабий ўзбек тили. -Тошкент, 2006. 399-бет.

20. Вардул И.Ф. Основы описательной лингвистики (синтаксис и супрасинтаксис).-М., 1777. –С.222.
21. Грамматика современного русского литературного языка. -М., 1970, с 653.
22. Петерсон М.Н. Очерк синтаксиса русского языка.-М., 1923.-С. 33-35.
23. Турниёзов Н., Турниёзова К. Функционал синтаксисга кириш. –Тошкент, 2003, 98-103-бет.
24. Ўринбоев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Самарқанд, 2001, 118-бет.
25. Бердиалиев А. Семантико-сигникативная парадигматика и синтаксические отношения в конструкциях сложноподчиненного предложения узбекского литературного языка. Автореф. докт. дис.- Ташкент, 1980.
26. Пешковский А.М. Избранные труды. –М., 1959.-С. 131-146;
27. Пешковский А.М. Русский синтаксис в научном освещении. –М., 1938 – С.5.26;
28. Синтаксис современного русского языка. –Санкт-Петербург, С.209-210.
- Қаран: Ўша асар, 200-бет.
29. Махмудов Н. Семантико - синтаксическая асимметрия в простом предложении узбекского языка // Автореф. докт. дис. -Ташкент, 1984. -С. 12-13.
30. Марченко Е.П. Полипредикативные сложные предложения как единицы текста // Филологические науки, №5, 2003.-С.44-46.
31. Турниёзов.Б.Ҳозирги ўзбек тилида тенг компонентли мураккаб синтактик қурилмалар деривацияси.-Самарқанд, 2008, 22-бет.
32. Турниёзов.Б.Ҳозирги ўзбек тилида тенг компонентли мураккаб синтактик қурилмалар деривацияси.// Номзод.дисавтореф.-Самарқанд, 2006.

33. Ляпон М.В. Смысловая структура сложного предложения и текст. К типологии внутритекстовых отношений. -М., 1986.-С.9
34. Виноградова Е.Н. К вопросу о трансформационной парадигме сложного предложения (на материале предложений, выражающих причинно-следственные отношения)// Язык. Сознание. Коммуникация. Вып. 19.-М., 2001.-С.88
35. Всеволодова М.В. Теория функционально-коммуникативного синтаксиса. Фрагмент прегладной (педагогической) модели языка.-М., 2000.-С.388.
36. Петрова О.Н. Принципы построения синтаксической парадигмы // Русский язык: исторические судьбы и современность. Материалы Международного конгресса русистов - исследователей. –М., 2001.-С.5.
37. Турниёзова Ш.Н.Хозирги ўзбек тилида матн шаклланишининг деривацион хусусиятлари Номзодлик дис автореферати. -Тошкент, 2010 14-бет.
38. Турниёзова Ш.Н.Хозирги ўзбек тилида матн шаклланишининг деривацион хусусиятлари Номзодлик дис автореферати. Тошкент, 2010 13-15-бетлар.
39. Попова Е.А. Человек как основополагающая величина современного языкознания// Филол. Науки, 2002. № 3.-С. 69
40. Нурмонов .А, Хакимов. М. Лингвистик прагматиканинг назарий шаклланиши// Ўзбек тили ва адабиёти, 2001, № 4 , 56-бет
41. Сафаров.Ш. Когнитив тилшунослик. –Жиззах, 2006.19-52-бетлар
42. Коцнельсон С.Д. Речемыслительные процессы // Вопросы языкознания, 1984, №. 5-С.5.

43. Пономаренко Е.В. О развитии системного подхода в лингвистике // Филологический науки, 2004, № 5. –С.29.
44. Зияев А.И. Инглиз тилида сўз маъносини кучайтиришнинг линвокогнитив аспекти // Номзод. дис. автореф.-Самарқанд, 2009, 15-бет.
45. Турниёзов Н, Турниёзов Б, Турниёзова Ш.. Ўзбек тили деривацион синтаксиси.-Тошкент, 2011.
46. Манаенко Г.Н. Предикация, предикативность и пропозиция в аспекте «информационного» осложнения предложения // Филологические науки, 2004, № 2.-С. 59
- 47.Кубриякова Е.С. Начальные этапы становления когнитивизма: лингвистика-психология-когнитивная наука // Вопросы языкознания, 1994.- С. 34-47.
- 48 . Караулов Ю.Н. Русский язык и языковая личность 1-е изд М.:наука,1987.
49. Косевич В.Б. Семантика, Синтаксис, Морфология.-М., 1988.-С. 20-21.
50. М.Минский .Фреамы для представления знаний.-М., 1981.
51. Филлморе Г.Ж.Фрамес анд тхе семантисс оф ундерстандинг// Қуадерни ди семантиса. Вол.ВИ, №2. Десесбер, 1985.-п. 222-254.
- 52.Дейк ван А.Язык. Познание. Коммуникация, -М, 1989. –С. 16